

Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 30 январь, пайшанба • 5 (3481)-сон

«Республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида ва энг чекка аҳоли пунктларида ҳам профилактика инспекторлари бўлсин. Шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, ғам-ташвишлари билан яшасин. Токи халқ олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилиб, бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспекторлари етиб келди, деб гапирадиган бўлсин».

И. КАРИМОВ.



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари ходимлари билан жамоатчиликнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, тинчлик, осойишталикни сақлаш, қонунбузарлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция билан фуқароларнинг ўзаро, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишларига эришиш учун муайян ишлар амалга ошириляпти.

Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, маҳалла посбонлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яраштириш ко-

миссиялари, тарбиячи-педагоглар биргаликда фаолият кўрсатадиган милиция таянч пунктлари ташкил этилди. Республика-мизда 3400 та милиция таянч пунктларини барпо этиш мўлжалланганди, ҳозирда уларнинг аксарияти ишлаб турибди.

Ана шу таянч пунктларининг фаолиятини яхшилаш, милиция билан аҳолининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши "Намунали милиция таянч пунктлари ўртасида кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида" қўшма қарор қабул қилганди. Кўрик-танловнинг дастлабки босқичи Қорақал-

поғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилиб, ғолиблар республика босқичига йўланма олишди.

Ўтган ҳафтада пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси раиси Х. Кароматов очди.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро алоқалар

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосийё ишлари бўйича ўринбосари Элизабет Жонс, давлат котиби ўринбосарининг ёрдамчиси Кент Логсдон ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбстдан иборат делегация ташриф буюрди.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилди ва суҳбатлашди. Вазир. Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида гапирар экан, йиғилганлар эътиборини ички ишлар идораларида кечаётган ислохотлар жараёни, хусусан тергов, жиноятларни очиш, айбдорларни қўлга олиш, жазони ижро этиш муассасаларида қонунчилик ва инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя қилинишига эришилаётганига қаратди.

Шунингдек, халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфига қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилинди, ходимларимизга жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усуллари ўргатаётган, энг янги криминалистика техникаси билан таъминлашда ҳар томонлама кўмак бераётган америкалик мутахассисларга миннатдорчилик билдирилди.

Ўз навбатида Э. Жонс илиқ кутиб олингани учун барчадан мамнун эканлигини айтиб, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида турли соҳалар, шу жумладан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши, минтақа хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганидан катта қониқиш олаётганини маълум қилди.

Учрашувда республика Ички ишлар вазири-нинг ўринбосарлари, милиция генерал-майори Б. Субанов ва ички хизмат генерал-майори Р. Қодировлар иштирок этишди.

Томонлар ўзаро манфаатли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида ўтказилган йиғилишда соҳада 2002 йил давомида эришилган натижалар таҳлил этилиб, келгуси вазифалар белгиланди. Республика Ички ишлар вазири-нинг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров ҳисобот даврида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириб, бўлинмалардаги асосий кўрсаткичлар бўйича аниқ мисоллар келтирди, ўтказилган турли тадбирларга тўхталди.

Шундан сўнг республика ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник С. Сулейманов, ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, ички хизмат подполковниги А. Шодиев, бошлиқнинг бошқа ўринбосарлари, шунингдек бошқарма, хизмат ва бўлимларнинг бошлиқлари сўзга чиқиб, кун тартибдаги масала бўйича ўз мулоҳазаларини билдиришди.

О. БУРЕНОВ.

УЧИНЧИ «Поётга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'ZLAM

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси ишчи гуруҳининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Усманов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларининг тинчлик ва осойишталикни сақлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, кўрик-танлов ўтказишнинг мақсади ва аҳамияти тўғрисида тўхталди.


Республика ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов сўзга чиқиб, кўрик-танлов иштирокчилари ва голибларини фахрийлар номидан қизғин табриқлади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улughбек тумани "Феруза" маҳалласи, Самарқанд вилояти Темирийўл тумани "Тонг" маҳалласи, Наманган вилояти Давлатобод тумани "Тўқувчи" маҳалла-

си ва Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани "Гулистон" маҳалласидаги милиция таянч пунктлари кўрик-танлов голиби деб топилди ва "Тико" автомашиналарининг калитлари топширилди. Иккинчи ўринни олган Хоразм вилояти Кўшкўпир тумани "Ғозовот" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги милиция таянч пункти, учинчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти Бўка тумани "Жағалбой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги милиция таянч пунктлари компьютер термалари эгаси бўлишди.

Қашқадарё вилояти Косон тумани ИИБ профилактика катта инспектори, милиция майори Турсунпўлат Ҳақбердиев "Энг фаол профилактика инспектори" деб топилиб, телевизор билан мукофотланди. "Энг фаол осойишта ва обод маҳалла оқсоқоли" номига Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Раҳимов сазовор бўлди ва унга телевизор топширилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти Қизирик тумани "Янги турмуш" маҳалласи "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси

сардори Чори Эгамбердиев "Энг фаол маҳалла посбони", Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги О. Раҳматов номидаги маҳалла педагог-тарбиячиси



Руслан Мадалиев "Энг фаол педагог-тарбиячи", Андижон вилояти Қўргонтепа ИИБ вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, милиция катта лейтенанти Абдуқаҳҳор Имоноҳунов "Энг фаол вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика инспектори", Сирдарё вилояти Сайхунбод туманидаги "Иттифок" маҳалласи хотин-қизлар кўми-

таси раиси Раёно Хўжаназарова "Энг фаол маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси" номиначилари бўйича голиб бўлишди.

Қашқадарё вилояти Косон тумани ИИБ профилактика катта инспектори, милиция майори Турсунпўлат Ҳақбердиев, Бухоро вилояти Тўқимачилик тумана-

ни "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Раҳимовлар тақдирланганлар номидан сўзга чиқиб, кўрик-танлов ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришди.

Кўрик-танлов сўнггида санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

С. ШАМСИДИНОВ.
А. КЕНЖАЕВ
олган суратлар.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

31 ЯНВАРЬ

- Науру Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1968)
- Нукус—Султонувайстог—Мискин—Учкудук темирйўл магистрали очилди (2001)

1 ФЕВРАЛЬ

- Халқаро кураш ассоциацияси ташкил топди (1999)

2 ФЕВРАЛЬ

- Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилди (1998)

3 ФЕВРАЛЬ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Рус православ черковининг олий даражадаги "Москвалик тақводор князь Даниил" ордени топширилди (1998)

4 ФЕВРАЛЬ

- Ўзбекистон Марказий Осиеда биринчи бўлиб Халқаро автомобиль транспорти иттифоқига аъзо бўлди (1994)
- Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1948)

5 ФЕВРАЛЬ

- Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА ташкил этилди (1992)

Хабарлар



ФАХРИЙЛАРНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

"Жар" спорт соғломлаштириш мажмуида республика ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда марказ раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов ўтган — 2002 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди. Фахрийлардан М. Иванов, Ж. Аъзамов, Р. Фахрудинов, У. Раҳимов ва бошқалар сўзга чиқиб, ички ишлар идоралари фахрийларининг жамиятдаги ўрни, ёш авлодни тарбиялаш, милиция ходимларининг Ватани, халқи, бурчи ва вазифасига содиқ бўлишида қимматли насиҳатлари билан ҳисса қўшаётганларини айтиб ўтишди. Йиғилганлар Қарияларни кадрлаш йилида амалга оширилган ишларни таҳлил этиб, йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталди. Шунингдек, Обод маҳалла йилида қилиниши лозим бўлган ишларни белгилаб олдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Юнусходжаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: ҳисобот йиғилишидан лавҳа.

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Хива тумани ИИБда Ўзбекистон Қаҳрамонлари — 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Бектурди Жуманиёзов ҳамда уруш ва меҳнат фахрийси Зариф Иброҳимовлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирни туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Тожиев очди. Шундан сўнг Вера Пак ҳамда Бектурди Жуманиёзовлар сўз олиб, жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, иқтисодий юксалишлар ва бунда тинчлик ва осойишталик муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақида гапирдилар. Уруш ва меҳнат фахрийси Зариф Иброҳимов эса муқаддас Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, унинг ҳар бир жабҳасида жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатиб, меҳнат қилиш лозимлигини уқтирди.

Учрашув сўнггида тарбияланувчилар йиғилганларга концерт дастурини намойиш этишди.

Х. ЖАБОРОВ.

Хайрли ҳамкорлик

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ходимлари ва пойтахт адвокатлар ҳайъати адвокатлари иштирокида "Дастлабки тергов жараёнида фуқароларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлашда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция полковниги Ф. Қодиров кириш сўзи билан очди.

Тадбирда республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар

Хайрли ҳамкорлик

ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида терговчилар ҳамда адвокатлар олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Йиғилганлар Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсати раиси ўринбосари Г. Эшанхановнинг 2002 йилда адвокатлар ҳайъати раёсати ва республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси ходимларидан иборат текширув гуруҳи томонидан пойтахт ички ишлар идораларида олиб борилаётган дастлабки тергов жараёнида фуқароларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш амалиётини ўрганиб чиқиш натижалари

тўғрисидаги маърузасини ҳам тингладилар.

Мунозараларда Америка юристлар ассоциацияси вакили Люси Мартин, Қонун устуворлигини таъминлаш Дастурининг вакили Линн Сферрацца, Очиқ жамият институти (Сорос фонди) вакили Умида Ҳасанхўжаева, ИИБ Тергов Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси раҳбарлари ҳамда терговчилари, шаҳар адвокатлар ҳайъати адвокатлари иштирок этиб, ўзаро фикр алмашдилар.

С. ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази инспектори.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони бажариш борасида Андижон вилоятида муайян ишлар амалга ошириляпти.

ИЖРО ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ҳозиргача юз элликка яқин шахс жазони ижро этиш муассасаларидан ўз оиласи кучоғига қайтиб келди, улар билан ўтказилган суҳбатда ишлаш истаги борларнинг 22 нафари иш билан таъминланди, икки нафар кишига мақбул иш топилгунга қадар вақтинча ишсизлик нафақаси тайинланди. Хужжатлари бўлмаганларга паспорт олиш учун ички ишлар бўлимларига йўланмалар берилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахслар моддий ёрдам сўраб, ижтимоий кўникма марказларига мурожаат қилдилар. Уларнинг 33 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди, қолганларига эса тегишли хужжатлар тайёрланмоқда.

Вилоятда юртбошимизнинг инсонпарварлигига муносиб жавоб бериш, адашиб хато қилган ҳар бир фуқаро ҳаётдан яна ўз ўрнини топиб олиши учун бор имкониятлар ишга солинмоқда.

Ж. МАТМУСАЕВА.

ПОСБОНЛАР ҲИСОБ БЕРИШДИ

Жиззах вилоятида 129 та милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатаётган Уларда профилактика инспектори билан кенг жамоатчилик ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Профилактика инспектори яхши хизмат қилаётган ҳудудда хуқуқбузарликларнинг сезиларли даражада камайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Бунинг эътиборга олган ИИБ раҳбарияти вилоятдаги ҳар бир маҳаллада профилактика инспекторларининг ҳисоботи тингганини йўлга қўйди.

Жиззах шаҳридаги Оққўрғонлик, Халқобод ва Олмазор маҳаллаларида бўлиб ўтган йиғилишларда профилактика инспектори, милиция капитани Б. Гулмуродов, ёш профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенанти М. Файзуллаев, милиция лейтенанти С. Баҳодировлар ўзлари хизмат қилаётган ҳудудларда амалга оширилган ишлар хусусида гапирди. Йиғилишда сўзга чиққанлар уларнинг фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни айтиб ўтишди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги И. Муродов ва Жиззах шаҳар ҳокими Х. Иномжоновлар иштирок этишди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

ИШ БОШИ — ИНТИЗОМ

Тошкент вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши аъзоларининг Пискент тумани ИИБ ходимлари билан бўлиб ўтган учрашуви интизом ва қонунчилик мавзусига бағишланди.

Фахрийлар билан учрашувлар ходимларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш, улар томонидан хуқуқбузар-

ликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашдек масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида ижобий самара беради.

Йиғилишда вилоят ИИБ фахрийлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида бошқарма Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция полковниги М. Иноғомов атрофлича гапирди. Истеъфодаги генерал-майор У. Раҳимовнинг ибрат олишга арзигулик ҳаёт йўли ва хизмат фаолияти ҳақидаги суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

А. ШЕРАЛИЕВ.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати: муаммо, изланиш, ташаббус

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ички ишлар идоралари, жумладан ёнгин хавфсизлиги тизимида ўтказилаётган ислохотлар аввало хизмат самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Фаолиятимиз мезони ёнгинлар сони камаяётгани, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари, фуқаролар томонидан қондабузарликларга йўл қўйилмаганлиги билан белгиланади.

Шу жиҳатдан олганда кейинги йилларда республика бўйича ёнгинлар сони камайиб бормоқда. Бу асосан


жойларда профилактик ишлар кучайтирилаётгани, фуқаролар ўртасида мунтазам ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича тарғибот, ташвиқот ишлари олиб борилаётганидан дарак беради. Шунингдек, ёнгин назорати хизмати ходимлари томонидан жойларда ўтказилаётган текширув, камчиликларни бар-тароф этиш борасидаги амалий ёрдамлар ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили 2001 йилга нисбатан ёнгинлар сони 281

тага, офат натижасида фуқароларнинг жароҳат олиши 32 тага, ҳалок бўлганлар сони 15 тага камайди. Бироқ, Андижон, Сирдарё, Навоий вилоятларида ёнгинлар сони 2001 йилга нисбатан ортган. Ёнгин натижасида тан жароҳати олганлар эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Навоий вилоятларида кўпайган.

Шу ўринда бир қатор вилоятларда ишлаб чиқариш корхоналари, савдо муассасалари, маданий-маиший ва маъмурий биноларда, қишлоқ хўжалик масканларида ёнгинлар сони камаймаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, ёнгинлар асосан турар жойларда, хонадонларда содир бўлади. Шу боис ҳам биз профилактик ишларни аҳоли ўртасида, маҳалла, мактаб, болалар боғчаларида олиб боришни режалаштираемиз. Ходимларимиз ёнгин хавфсизлигига риоя этиш ишларини аввало болалар боғчасидан бошлашади. Кўргазмали қуроллар асосида гугурт ўйнаш, газ, электр асбобларидан рухсатсиз фойдаланишнинг



хунук оқибатлари болажонлар онгига сингдирилади. Мактабларда тузилган кўнгилли ўт ўчирувчилар гуруҳлари ўртасидаги мусобақа, танловлар ўқувчиларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштиришларида катта ёрдам берапти.

Ходимларимиз томонидан жойларда ўтказилаётган текширувларда, амалдаги қоидаларга риоя этмаётган, эътиборсизлиги туфайли ёнгин хавфини кучайишига сабаб бўлган мутасадди раҳбарларга нисбатан маъмурий

чоралар кўрилаётгани ҳам уларни сергак бўлишга, ишларига масъулият билан ёндошишга ундапти. Бу эса ўз ўрнида ёнгинларнинг камайишига олиб келяпти.

Хизмат самарадорлигини оширишга қаратилган илғор усулларни қўллаш туфайли эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш учун бор имкониятлар ишга солинаверади.

Н. ШОДМОНҲОЖИЕВ,
ИИБ ЁХББ бошлиғи ўринбосари,
ички хизмат полковниги.



Давр шиддат билан олға қараб бормоқда. Ёнгин хавфсизлиги хизматини бундан ўн-ўн беш йил илгариги ҳолати билан таққослаб бўлмайди. Чунки пойтахтимиз, вилоятлар марказлари ва йирик шаҳарларда кўплаб замонавий бинолар қурилди. Саноат корхоналари, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш масканлари қайта таъмирланиб, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланяпти. Бу эса ёнгин хавфсизлиги хизматини ҳам замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишини тақозо этмоқда.

ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Маълумки, ёнгин ўчириш машиналари, техникалари ўтган асрнинг саксонинчи йилларида асосан Россия Федерациясидан келтирилган. Бугунги кунга келиб уларнинг кўпчилиги эскириб сафдан чиққан. Аксарият, ёнгин ўчириш машиналарининг фойдаланиш муддатлари аллақачон ўтиб кетган. Шунга қарамай, жойларда эски техникаларни сошлаб, сафга қўйишга ҳаракат қилиняпти. Кейинги йилларда бир қатор ривожланган давлатлардан ёнгин ўчириш машиналари, автонарвон ва бошқа техника воситалари келтириб, қисмларга тарқатилди. Албатта, хориждан харид қилинаётган санокли машиналар билан бутун республикадаги ёнгин ўчириш қисмларини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Ўзавтосаноат" уюшмаси, "Сам-Кочавто" қўшма корхонаси ва Германиянинг "Ивеко-Магирус" фирмаси иштирокида ёнгин ўчириш-автомобили лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа бўйича "Ўзотойўл" юк автомобили шассисига "Ивеко Магирус" фирмасида тайёрланган ёнгин ўчиришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ўтган йили декабрь ойида автомобилнинг намуна нусхаси синовдан ўтказиш учун қабул қилиб олинди. Ҳозиргача у пойтахтимизнинг бир неча жойида содир бўлган ёнгин офатларини даф этишда қатнашди. Синовдан муваффақиятли ўтиб, мутахассислар томонидан яхши баҳоланса, бу машина конвейер усулида ишлаб чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, айрим қишлоқ туманларидаги аҳоли яшаш пунктлари билан ёнгин хавфсизлиги хизмати ўртасида алоқа воситалари яхши таъминланмаганлиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти. Баъзи жойларда ёнгин ўчириш қисми билан қишлоқлар ораси 80-100 чакирим ва ундан ортиқроқ. Ёнгин содир бўлганда ўт ўчирувчилар етиб боргунча ёнгин ўз "ишини битириб бўлади".

Айнан ёнгин ўчириш жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, автонарвонлар етишмаслиги ҳисобга олиниб, бу зарур анжомларни республикаимизда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш кўзланмоқда. Ёнгин хавфсизлиги хизматининг ушбу муаммоси ҳам ҳал этилади, деган умиддамиз. Халқимиз ўзинида бўлганига не ётсин, дея бежиз аймаган.

А. РАҲИМОВ,
ички хизмат подполковниги.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ЎЧОҒИ

Мустақиллик йилларигача республикаимизда ёнгин хавфсизлиги хизматида олий маълумотли мутахассислар етишмасди. ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ташкил этилгандан кейин бу ерда мутахассислар тайёрлаш билан бирга ўрта ва катта бошлиқлар таркиби учун малака ошириш машғулоти ўтказила бошланди.

Ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоят, туман ва шаҳар ИИБлари ёнгин хавфсизлиги хизматларидан катта ва ўрта бошлиқлар белгиланган тартибда семинарларда қатнашишяпти. Улар янги қарор, фармойиш, буйруқлар билан атрофлича танишиб, хизматга татбиқ этилган янги техника ва технологиялар, асбоб-уску-

налардан фойдаланишни ўзлаштиришмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати учун оддий ходимлар ва кичик бошлиқлар тайёрлашда ҳам муайян ишлар олиб бориляпти. Республикаимиздаги ёнгин хавфсизлиги хизматининг оддий ходимлари ва кичик бошлиқлари ҳам дастлабки ўқув тайёрларидан ўтказилади ва навбати билан малака ошириш курсларида иштирок этадилар.

Ходимларни тайёрлаш, жанговар, касб маҳоратини ошириш учун белгиланган режалар асосида амалий ишлар олиб бориляпти. Мақсад, жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда ходимлар тажрибасини ошириш, етук мутахассислар фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган.

Шу ўринда жойларда ходимлар хизмат қилиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Пойтахтимиз, вилоят марказлари ва бир қатор туманларда ёнгин хавфсизлиги хизмати учун ҳар томонлама қулай шароитларга эга бинолар ажратилган. Ходимларнинг дам олиши, машғулот ўтиши учун хо-

налар мавжуд бўлиб, замонавий услубда жиҳозланган. Бироқ, бир қатор туманлардаги ёнгин ўчириш қисмларида техника ва асбоб-анжомларни сақлаш, ходимларнинг ишлаши учун қулайликлар йўқ. Айрим жойларда яхши ният билан бошланган ишлар охирига етказилмаган.

Қўлидан иш келадиган мутахассисга эга бўлиш қийин. Биринчи галда, уларни тайёрлаш ва тажрибасини орттириш масаласига эътиборни кучайтириш керак. Бу борада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаемиз.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
ички хизмат
подполковниги.

ЯНГИЛИКЛАР ШУ ЕРДА ЯРАТИЛАДИ

ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси ёнгин-техник лабораторияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертифицирлаш Ўзбекистон давлат марказида қайта аккредитациядан ўтиб, шаҳодатланган. Яъни, бу ерда тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқи берилган.

Ўтган йили ходимларимиз томонидан турли ташкилот, корхоналардан тақдим этилган қурилиш конструкциялари, асбоб-ускуна, қурилмаларга ишлаб чиқилган техник шартлар ва меъёрий лойиҳаларнинг стандартлар талабларига мувофиқлиги кўриб текшириб чиқилиб, тақлифлар киритилди. Жумладан, модда ва материалларнинг ёнгин хавфсизлигини тадқиқ этиш, кўпик ҳосил қилувчи сирт-актив моддаларнинг сифатини текшириш, шунингдек, турли русумдаги ёнгин ўчиргичлар, ёнгиндан хабар берувчи техник воситалар синовдан ўтказилди.

Лаборатория ходимлари айнан ёнгин содир бўлган жойларга чиқиб, текширув ишларини амалга оширадидлар. Бунда ёнгинни келтириб чиқарган сабаблар, хавфсизлик қоидаларининг бузилиши, бино қурилиши бўйича мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши текшириб кўрилади. Ўтган йилнинг ўзида 23 мартаба ана шундай текширувлар ўтказилди, олинган ҳулосалар тегишли идораларга юборилди.

Ёнгин турли сабаблар билан келиб чиқади. Модомки унинг олдини олиш, содир бўлган тақдирда кам талафот кўриш учун курашиш асосий масала бўлиб қолаверади. Лабораторияда олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий изланишларнинг асосини ҳам шу ҳаракат ташкил этади.

С. ЖЎРАЕВ,
ички хизмат майори.



Самарқанддаги "Ўзотойўл" қўшма корхонасида дастлабки ёнгин ўчириш машинасини тайёрланди. Унга Германиянинг машхур "Ивеко-Магирус" фирмасида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Нисбатан ихчам, фойдаланиш бўйича Россия Федерациясида тайёрланган ана шундай русумдаги машинага нисбатан қатор афзалликларга эга бўлган янги техника ҳозирги кунда синовдан ўтапти.

Суратда: янги ёнгин ўчириш машинасининг намуна нусхаси.

Осойишта маҳалла обод бўлади

ТИНЧЛИГИМИЗ
ПОЙДЕВОРИ

Жорий йил Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши мамлакатимиздаги минглаб маҳаллаларга билдирилган ҳурмат-эҳтиром билан бирга маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва аҳоли зиммасига жуда катта масъулият ҳам юклади. Хўш, ана шу ишончни оқлаш учун мазкур масканларда қандай ишларни амалга ошириш лозим?

Ушбу саволимизга Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла оқсоқоли Файзулла ҳожи Манноповдан жавоб беришни илтимос қилдик.

– Маҳалламиз йигирмадан ортиқ кўчадан ташкил толган бўлиб, тўрт ярим мингга яқин аҳоли яшайди. Кўча бошилар билан ҳафтада уч марта йиғилиб, маҳалла, хонадонлардаги аҳволни таҳлил қиламиз.

Кўча бошилари ўзларига бириктирилган оилаларни жуда яхши билишади. Шу боис кимнинг оиласи нотинчроқ, қайси бола тўполончи – ҳаммаси бизга маълум. Ва албатта, бундай ҳолатларни бартараф этишга интиламиз. Масалан, ўтган йили Ориф-жонова, Фақирий кўчаларида биттадан оилавий жанжал бўлди. Уларни ўз жойида ҳал қилиб, аразлашганларни яраштирдик.

Маҳалладошларимиз орасида судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтган фуқаролар бор. Шулардан ўн бир кишининг ишга жойлашишга ёрдам бердик. Ҳозирда иш жойига бориб, уларнинг ишлаши, юриш-туришидан хабардор бўлиб турибмиз.

Маҳалламизнинг Қ. Фуломов, М. Юсупова, М. Толипова, Д. Жўрабекова, М. Мирсоатов каби фаоллари, профилактика инспектори, милиция капитани У. Туймабоев, А. Абдуқаюмов, Р. Халилов каби посбонларнинг жонкуярлиги боис зиммамиздаги вазифаларни аъло даражада бажаряпмиз. Икки йилдириқ маҳалламизда бирорта жиноят содир бўлгани йўқ. Яна бир томони, ҳар бир фуқаро ориятли, меҳр-оқибатли бўлгани боис ҳам ана шундай осойишталикка эришилмоқда.



Суратда: маҳалла оқсоқоли Ф. Маннопов фаоллар ва ички ишлар ходимлари билан.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нафақат ички ишлар ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг бирдек вазифаси бўлмас экан, кутилган натижага эришиш мушкул. Бунга эътиборга олган Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти Обод маҳалла йилида ўтказилаётган тадбирларга маҳалла оқсоқоллари, фаоллар ва маҳалла посбонларини кўпроқ жалб эта бошлади.

Январь ойида бошқарманинг турли хизматлари ва Янгиер шаҳар ИИБ ходимлари томонидан маҳаллаларда "Тозалаш" тадбири ташкил этилган. Ички фикримизнинг далилидир.

Мен ишонаман — халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

И. КАРИМОВ.

Маммат Саттаровнинг бир кун келиб, маҳалла оқсоқоли бўлиши хаёлига ҳам келмаган эди.

– Энг муҳими, инсон ўз олдига қўйган мақсадига интилиб яшаши керак экан, – дейди у. – Халқимиз интиланганга толе ёр, деб бежиз айтмаган.

– Сиз ўз толеингизни нималарда кўрасиз? – савол бердик у кишини суҳбатга тортиш мақсадида.

– 1970 йили ҳарбий хизматдан қайтган, икки йил автокорхонада чилангар бўлиб ишладим. Ундан кейинги йигирма йиллик меҳнат фаолиятим ички ишлар идораларида давом этди. 1993 йили катта сержант унвонида истеъфога чиқдим. Маҳалладаги ташкилий ишларда фаол қатнашиб юрганам учун оқсоқол этиб сайлашди. Мен билан маҳалла аҳли ўртасида шаклланган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, одамларнинг ҳамжиҳатлиги, жипслиги – буларнинг барчаси толеим, бахтимдир.

Дарҳақиқат, оқсоқол ўз маҳалласи, аҳоли эса етакчиси билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Зеро, белгиланган асосий тадбирлар маҳалла фаровонлигини ошириш, кадр-қиммат, хайр-саховат каби қадриятларни шакллантириш, Ватанини севиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган. Бунга ўтган йили амалга оширилган ишларда ҳам кўриш мумкин. Чунончи, ёлғиз яшовчи пенсионер Тожибой Қобуловнинг 70 йиллик тўйи тантанали вазиятда ўтказилди. Солиа Абдуллаевага кўрсатилган тиббий ёрдам, шунингдек дафн маросим-

«ТОЗАЛАШ»ДАГИ
ҲАМКОРЛИК

Тадбир давомида Тожикистон Республикаси билан чегара худудларда жойлашган Янгиер шаҳар Ховос кўрғони ва Карвонсарой маҳалласида махсус рейдлар уюштирилиб, ноқонуний нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар олиб ўтилишининг олди олинди. Масалан, А. Хоразмий кўчасида яшовчи Х. Исмаилов бошқарувидаги "М-412" русумли автомашина тўхтаб текширилганда фуқаро Х. Ҳоразмий тегишли 800 кило аммиак селитраси ноқонуний олиб кетилаётгани аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди. Ҳоразмийнинг ҳовлиси кўздан кечирилганда яна 3500 кило ана шундай маҳсулот борлиги маълум

бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Тадбирнинг аҳамиятли томони шундаки, текширувлар бирваракайига ўн тўртта маҳаллада ўтказилди. Унда юздан ортиқ ходимлар ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Бир тасаввур қилинг, шу ўн тўртта гуруҳнинг ҳар бири биттадан ҳуқуқбузарликнинг олдини олса, бу жиноятлар сони ўн тўрттага камайди, дегани. Бир нафардан фуқаронинг муаммоси ҳал этилса, улар сони шунчага қисқаради. Кўришиб турибдики, шундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқдир.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА,
ички хизмат капитани.

«БОҒЁП» ОҚСОҚОЛИ

маъракалар тўлиқ маҳалла ҳисобидан бўлди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг газ ва электр тўлов-

лари учун эса ҳар йили 50-60 минг сўм ажратилади. Бундан ташқари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида маҳалла стипендияси ташкил қилинган. У фанлар бўйича олимпиадаларнинг ғолиблари бўлган ўн нафар ўқувчига мунтазам бериб борилади.

Ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантириш мақсадида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларо ўтказилган "Умид юлдузлари" футбол мусобақасида маҳалла жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Спортнинг волейбол ва мини-футбол турлари бўйича туман миқёсида ўтказилган беллашувда ғолиб бўлишди.

– Маммат ака билан ишлаш мароқли, айна пайтда фойдали ҳамдир, – дейди профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Ҳусенов. – Чунки у кишидан кўп нарсани ўрганапмиз. Оқсоқолнинг кўп йиллик иш тажрибаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий самара бермоқда. Шу боис ўтган ўн йил мобайнида маҳаллада биронта жиноят содир этилмади. Албатта

бунда маҳалла посбонлари, яраштириш комиссияси аъзоларининг хизмати катта бўляпти. Ҳар бир кўрилган масалага одилона қараш



ва тўғри ёндошув натижасида ҳал этилмоқда.

Ушбу масканда ҳозирда ўн тўрт миллат вакилларида иборат икки минг етти юзга яқин фуқаро аҳлиноқ яшаб келмоқда. Бу йил "Боғёп" ўзининг эллик йиллик тўйини нишонлайди. Шу муносабат билан Тўрткўл тумани ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган дастур маҳалла янада обод бўлишига муносиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: маҳалла оқсоқоли М. Саттаров профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Б. Ҳусенов билан суҳбатлашмоқда.

О. ОТАЖОНОВ олган сурат.

Хизматларда

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ
МАСЪУЛИЯТИ

Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари томонидан яқунланган йилда халқ хўжалиги ва иқтисодий объектлардан мингдан ортиқ шахслар майда ташмачилик ҳамда ўғриликлар содир этаётган пайтда ушланиб, келтирилган бир миллион сўмдан ортиқ зарар ундириб олинди ва эгаларига қайтарилди.

– Корхона, ташкилот ва муассасалар ишонч билдириб, масканларни кўриқлашга топширишади, – дейди вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи,

милиция подполковниги С. Избосаров. – Айрим нопок шахсларнинг тайёрга айёр бўлиб, ўғрилиқ қилишларига йўл қўймай, мавжуд бойликларни бус-бутун сақлаш вазифасини зиммамизга олганмиз. Ички ишлар хизматининг бир бўлаги сифатида кўриқланаётган объектда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам масъул эканлигимизни айтиб ўтмоқчиман.

Яқунланган йилда ходимлар томонидан

аниқланган қоидабузарлик, қонунбузарликлар таҳлил қилиб кўрилди. Вилоятдаги айрим корхоналар, айниқса пахта тозалаш заводлари мунтазам ташмачилик ва ўғриликлар содир этиладиган маскан деб топилди. Ходимларнинг ҳушёрлиги туфайли Зарбдор туманилик уч йигит кўрғондаги пахта тозалаш заводидан бир той пахтани ўғирлаб чиқаётганда қўлга тушди. Жиззах тумани Навоий ширкат

хўжалигида яшовчи А. Асқар Гагарин шаҳридаги пахта тозалаш заводидан бир тонна чигит ўғирлаб кетаётгани аниқланиб ушланди.

– Орамизда ўзгалар бойлиги эвазига яшашни ният қилган кишилар бор экан, – дея сўзини давом эттirdи бўлим бошлиғи, – мулкни асраш, кўриқлаш муаммо бўлиб қолаверди. Бошқа хизматлар билан ҳамкорликни кучайтириб, кўриқланаётган объектларнинг дахлсизлигини таъминлаш, давлат ва халқ мулкни ҳар хил тажовузулардан сақлаш, олдимишга қўйилган вазифаларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қияпмиз.

С. АБДУЛЛАЕВ.

УСНИНСНИ «Посетга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI + TV OLAM

Эл орасида "қони-да бор", "қон-қонига сингиб кетган" деган иборалар юради. Ҳақиқатан ҳам, кишининг феъл-атвори, тақдири билан қони ўртасида боғлиқлик борми?

Японияда қонингизнинг гуруҳига қараб ўзингиз учун компьютер тестида буюртма бериш мумкин экан. Унинг натижалари бўйича компьютер нафақат феълингизни тавсифлаб беради, балки никоҳ мустақам бўлиши учун жуфтнингизни қони қайси гуруҳга тааллуқли бўлиши лозимлигини ҳам айтиб беради. Японлар кишининг қон гуруҳи унинг тақдирига таъсир этишига ишонишади. Улар сўраша туриб бир-бирининг қон гуруҳини суриштириши ҳам мумкин. Иш берувчи одатда сўровномага ишга олинувчининг қони қайси гуруҳга мансублиги ҳақидаги саволни ҳам кири-тади. Японлар

қўн-



ча таширф қоғозларида ҳам буни кўрсатишади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий бўлинмалар қон гуруҳлари ҳақидаги таълимот асосида тузиларди. Ҳозир ҳам кўпгина япон мураббийлари спорт жамоаларини тузишда буни ҳисобга олишади.

Қорхоналар анчадан буён ҳар қайси бурж остида туғилган кишилар учун махсус маҳсулотлар ишлаб чиқишга ўтган. Энди эса саноатчилар

навий "совчилар" буни бир-бирига мос жуфтлар топиш зарурати билан изоҳлашади. Масалан, қони О гуруҳга мансуб кувёга А гуруҳ қонли келин мос эмиш. Мабодо мижоз оила қуришни ёки узоқ пайт бирга бўлишни мўлжалламаётган бўлса, муваққат ишқий муносабатлар учун у қони Б гуруҳга тегишли аёлларни танлагани маъқул эмиш...

Олимларнинг таъкидлашича, қон таркибида инсон феъл-

тоғларда, яъни табиий тўсиқлар кўп бўлган жойларда яшашган. Б гуруҳдагилар эса яланг, уфқ яққол кўзга ташланиб турадиган ҳудудларда истиқомат қилишган.

Ҳар ҳолда, Марказий Осиёнинг бепоён кенгликларини макон қилган халқлар орасида қони Б гуруҳга мансублар кўпчиликни ташкил этади. Германия, Япония каби мамлакатларда эса А гуруҳ қонли кишилар кўп. Бундан келиб чи-

типик вакили америкалик киноактриса Миа Ферроудир. Номи Б гуруҳга мансуб эркакларни жонли, теран ақл эгаси, ижодкор шахслар деб таърифлайди.

Кам учрайдиган АБ қон гуруҳига АҚШ Президенти Жон Ф. Кеннеди, киноюлдуз Мэрилин Монро ва ёзувчи Эдгар По киришган. Номининг фикрича, О гуруҳ соҳиблари вазиятни батафсил таҳлил қилиб, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўладилар. Бу хусусият эса сиёсатчилар, молия соҳаси вакиллари учун жуда зарурдир. Шунинг учун менежерлар масъул лавозимларга кадр танлашда Номининг маслаҳатларига бажонидил кулоқ солишади. Яқинда нашр этилган, кадрлар масалаларига бағишланган китобда шундай таъкидланади:

"АБ тоифасига мансублар яхши ташкилотчилардир. Жамоада мазкур тоифа эгалари кўплигига қараб меҳнат унмдорлиги шунча юқори бўлади".


Амалий таъбабат ҳам энди қон гуруҳлари хусусиятларини, улар ўртасидаги фарқларни тобора кўпроқ ҳисобга ола-япти. Муолажа усулларини танлашда бу қўл келяпти.

Фарб илми ҳозирча бу муаммога унча эътибор берма-япти. Америкалик мутахассисларнинг муносабатлари эса турлича.

Тоситака Номининг ўзи яқин келажакда таълимоти кенгайиб, руҳшунослар учун қўл келишига ишонади. "Аммо бунинг учун илм-фан фақат инкор этиш йўлидан бормай, менинг назариямни текшириб кўриши лозим. Шунда қон гуруҳлари ва инсон феъл-атвори ўртасида узвий боғлиқлик ўз исботини топади", - дейди у.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ФЕЪЛ-АТВОР ВА ҚОН ГУРУҲИ



муайян қон гуруҳлари эгалари учун товарлар ишлаб чиқиш ҳадисини олишди. Масалан, сақичлар, ичимликлар, тақвимларга қайси гуруҳ вакиллари учун тавсия этилиши ёзиб қўйилади.

Токиолик никоҳ агентликлари ҳам ўз мижозларидан қон гуруҳларини кўрсатишларини талаб этишади. Замо-

атворини олдиндан белгилочи молекула йўқ экан. Табобат қоннинг 23 та асосий гуруҳини ва 240 та гуруҳчасини фарқлайди. Токио тиббиёт институти ходими, доктор Такаси Фуке "Қандай қилиб турли-туман қон гуруҳларини содда-лаштириб, тўрттагина гуруҳга (А, Б, О ва АБ) бирлаштириш мумкин?" - деб ажабланади.

Токио қон гуруҳларини ўрганиш институти мутахассиси Тоситака Номи қон хусусиятларининг инсон феъл-атворида таъсири бўйича кўплаб маълумотларни тўплаб, батафсил ўрганди. У юқоридаги назария унчалик ҳам асоссиз эмас, деган хулосага келди. "Қон гуруҳлари ҳақида назария"нинг асосчиси Масахико Номи (1914-1981) ўз ўғли билан 300.000 ҳамюртининг қонини таҳлил қилиб, тадқиқот натижаларини таснифлаб чиқди. Шунда у қон тоифалари худди инсониятнинг ўзи каби қадимийдир, деган хулосага келди. Қони А гуруҳга мансуб одамлар аввало ўрмонларда ва

қадики, немислар ва японларнинг миллий хусусиятлари ўзаро ўхшаш бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг хушмуомалалиги ва тартибсеварлигида мутаносиблик бор.

Қон гуруҳи А бўлган одамлар орасида меҳнатсеварлар кўпроқ учрайди. Улар жамиятда асосан юқори мавқеларни эгаллайди. Масалан, АҚШ Президентлари Ж. Картер, Б. Жонсон, Р. Никсон кабилар шулар жумласидандир.

Номининг фикрича, айниқса О гуруҳ эгалари ҳокимиятга ўч бўлишади ва куч-қудратни қадрлашади. Собиқ АҚШ Президенти Р. Рейган, машхур гангстер Аль Капоне-лар шу тоифага киришган. Бу гуруҳдаги аёлларни ниҳоятда эҳтиросли бўлади, деб ҳисоблашади. Аммо улар орасида вафодорлари кам учрармиш. Номи О гуруҳга мансуб аёллардан ҳам эҳтиёт бўлишни маслаҳат берган. "Улар ўта жаҳлдор бўладилар", деган у. Бу тоифанинг

Ғаройибот

ШАЙТОН МИНОРАСИ

Бу чўққи ҳақида кўплаб афсонаю ривоятлар тўқилган. Қатор сирли воқеалар айнан шу жой билан боғлиқ. Шайтон минораси Вайоминг штатида жойлашган. У тош устуларнинг мураккаб бирлашмасидан иборат. Бу чўққи худди



сунъий равишда бунёд этилган нишоотга ўхшайди. Аммо оқоянинг ҳамми

Хеопс эҳроминикидан 2,5 баробар катта. Шунинг учун уни инсон яратганига ишониб қийин. Чўққига узоқ йиллар маҳаллий аҳоли муқаддас жой сифатида қараб синалган. Одамлар унинг устида ғаройиб ёруғлик билан боғлиқ ҳодисалар юз беришининг гувоҳи бўлишган. Шайтон минораси

ҳақида маълумот тўловчи уфологларнинг айтишича, унинг устида НУЖ қўнишига мўлжалланган майдонча бор экан. Аммо буни узил-кесил исботловчи далиллар йўқ. Шунга қарамай минора ҳамон маҳаллий аҳоли юрагига ваҳима солиб келади. Айниқса, момақалдирак пайти. Чунки чақмоқлар худди келишиб олгандай унга келиб урилади.

СИАМ ЭГИЗАКЛАРИ

Бизнинг замонамизда сиам эгизаклари ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Аммо уларнинг дунёга келиш тилсими ҳамон сирлигича қолмоқда. Эгизакларни ажратиб операцияси эса ўзига хос мўъжиза ҳисобланади. Ўтган йили жарроҳлар 97 соатлик ана шундай операцияни ўтказишди. Ушунда бошлари ажратилган непаллик қизлар мана 19 ойдики, бинойндай яшаб юришибди.

Эронда эса, 27 йилдики бошлари бирлашиб кетган икки қиз истиқомат қилади. Улар олий маълумот олиб, та-



ниқли ҳуқуқшунос бўлишга улгуришди. Эронлик опа-сингиллар ҳар бири Ернинг тўлақонли фуқаросига айланишига ёрдам сўрашапти. Шифокорлар бу янги мижозларни текширишни бошлашди. Улар яқин кушларда навбатдаги нодир тиббий тажрибани ўтказиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида ўз хулосаларини маълум қилишади.

НУЖ МАШИНАГА ХУЖУМ ҚИЛДИ

Жанубий Австралияда номаълум учар жисм автомобилга хужум қилиб унинг орқа ойнасини суғуриб олди.

Сью Шарплес ва унинг эри ўз машиналарида кетишаётган эди. Улар тўсатдан тепада ялтироқ металл объект пайдо бўлганини кўришди. Орадан бир неча сония ўтгач, эр-хотинлар қандайдир куч машинанинг орқа ойнасини юлиб олганини пайқашди. Орқа ўриликда уларнинг невараси ўтирган эди. Хайриятки, унга ҳеч қандай зиён етмади. Йўқолган ойнани ҳисобга олганда машинанинг бирор жойи ақалли қирилмаган ҳам эди. Автомобиль фирмасидан чақирилган эксперт ҳам ҳайрон қолди — ойнани ушлаб турувчи мосламалар ечилмаган, жойида турарди...



Саломатлик сабоқлари

«Қишки касалликларнинг кўпчилиги балғамнинг кўпайишидан ва тикилиб қолишидан пайдо бўлади. Тумов кузги ҳавонинг қишки ҳавога ўзгариши билан бошланади, кейин бориб зотилжам, ўпка яллиғланиши, хириллаш ва томоқ оғриқларига айланади».

Абу Али ибн Сино.

риб борса турли хасталиклардан сақланиши мумкин. Шамоллаш хасталикларининг олдини олиш ва даволашда қуйидагиларга амал қилишни маслаҳат берардик:

шамоллаганда ва йўталда қорандиз илдиридан 50 г. олиниб, 0,5 литр қайноқ сувга солинади ва 15

ШАМОЛЛАШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Одатда киш ойларида шамоллаш тез-тез кузатилади. У кўпгина касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Тумов, юқори нафас йўллари ангина, лорингит, фарингит, бронхит, плеврит, зотилжам, грипп каби хасталиклар шулар жумласидандир. Инсон организмидаги совуқ-иссиққа энг таъсирчан аъзолар оёқ ва юқори нафас йўллари ҳисобланади. Улар бири-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, агар совуқдан оёқлар совқотса, организмда ҳарорат пасаяди. Натижада

юқори нафас йўллари таъсир қилиб, турли шамоллаш касалликлари келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам йилнинг совуқ даврида совқотишдан сақланиш жуда муҳимдир. Аввало оёқларни иссиқ тутиш лозим. Шамоллаш касалликлари совуқ билан иссиқнинг тез-тез алмашиб туриши сабабли авж олади. Кишилар шамоллаганда тез даволаниш чораларини кўришлари, уни енгил дард деб ўйламасликлари керак. Об-ҳавонинг кескин ўзгаришига одам ўз организмининг мослаштириб, чиниқти-

– совуқ об-ҳавога мос кийимлар кийилади;

– бемор ҳароратини тушириш учун унинг бадани ва бошини аччиқ кўк чойда ҳўлланган латта ёрдамида кунига 3-4 марта артиб турилади;

– ширин анор шарбатини мис идишга солиб қайнатилади ва илиқ ҳолда ичилади. Бу бурун оқишини тўхта-тишга яхши ёрдам беради.

– чойнакдаги сувга 8-10 та наъматак мевасини солиб, унга 1-2 чақмоқ қанд қўшилади ва ҳар куни бир пиёладан ичиб турилади;

– нафас йўллари, ўпка

дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Сўнг тиндирилиб кунига 3 маҳал ярим пиёладан ичилади;

– райхон дамламаси иштаҳани очиб, овқатни яхши ҳазм эттиради ҳамда буйрак, қовуқ, сийдик йўллари шамоллаши, тумов, йўтал, безгак хуружидан фориғ этувчи восита ҳисобланади. Пиёз, саримсоқ, олма, асал, мева-сазавот, кўкат-



ларни кўпроқ истеъмол қилиш ва хонада исирик тутатиб туриш керак. Малина ва лимонли чойлар, сутга асал қўшиб ичиш ҳам яхши наф беради.

Сафар МУҲАММАДИЕВ.

Инсон организмида кўплаб учрайдиган касалликларнинг бир қатор турлари асаб системасининг иш фаолияти билан боғлиқ. Инсон танаси чарчаганда, уйқусизлик ҳолатлари рўй берганда ҳамда асаб системасига турли салбий таъсирлар ўтказилганда бир қатор хасталиклар келиб чиқади, яъни артериосклероз, мия фаолияти ёмонлашиши, иштаҳа бузилиши, тез-тез толиқиш, шамоллаш ва бошқа касалликларга дучор бўлади. Асаби яхши одамнинг саломатлиги яхши, иродаси кучли киши деб айтишади. Зеро, асаб ички органлар фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Маълумки, бош мия фаолияти ички органларга таъсир этиб туради. Айниқса, изтироб чеккан, ғам-андухга мойил кишилар доимо юрак безовталаниши, унинг атрофида оғриқ пайдо бўлишидан шикоят қилишади. Бир оғиз ноўрин сўз асаби сезгир кишиларга тез таъсир этиб, одам ўзини дарҳол ёмон ҳис қила бошлайди, хотираси сусаяди, айтадиган сўзини дарров эсидан чиқариб қўяди. Шу билан бирга ички органлар фаолияти бузилади, қонда қанд миқдори ошиб кетади, оғиз қурийдиган, дармонсизлик пайдо бўлади, шунга ўхшаш бир қанча ўзгаришлар рўй

АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИ

беради. Шуни унутмаслик керакки, киши ташқи муҳитдаги ёмон таъсирга қанчалик сезгир бўлса, организмнинг юқумли касалликларга нисбатан чидамай шунчалик пасайиб кетади. Натижада киши ҳар хил касалликларга тез чалинадиган бўлиб қолади.

Баъзан об-ҳаво, кўёш нури, иссиқлик, совуқлик, ҳар хил ранглар, шовқин-сурон ва ҳоказолар ҳам асаб торларини таранглаштириб, организмга салбий таъсир кўрсатади. Ана шу оғир ҳолатдан чиқиб, ўзини тиклаб олиши учун инсонга икки ҳафта, айрим кишиларга эса бир ой зарур бўлади.

Форобий, Абу Али ибн Сино каби буюк олимлар касалликни даволаш, руҳий соғломлаштиришга катта эътибор берганлар. Ибн Сино мусиқанинг даволаш хусусиятларини ўзининг кўп асарларида ёритиб берган. Масалан, яхши машқдан ташқари кўшиқ айтиш соғлиқни юқори даражада ушлашлик-

дир, деган. Қадим замонларда Хоразм табиблари ўлим тўшагида ётган беморларни сурнай, ногора, доира овозлари ёрдамида тетиклаштиришга ҳаракат қилганлари ёзиб қолдирилган. Фақат унда қандай мусиқа чалинганлиги ёзилмаган.

Оғир руҳий ҳолатни бошидан кечираётган кишиларга ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган ранглар мавжуд. Жумладан, юрак фаолияти бузилган хасталар кўк рангли халдориларни яхши қабул қилади, чунки бу ранг уларнинг хотиржамлигини таъминлайди. Аксинча, тўқ сариқ ёки қизил рангли доридармонлар уларни толиқтириши мумкин. Маълумотларга қараганда, уйқусизлик, иш қобилятининг пасайиши, тинка қуриши ва толиқиш каби нохуш вазиятларда ҳаммомдан фойдаланиш ижобий самара беради. Табиат манзараларидан завқланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино асаб

системасини мустаҳкам сақлаш ва ундан келиб чиқадиган турли касалликларнинг олдини олиш учун шифобахш ўсимликлардан фойдаланган.

Исмалоқ (чўққатиқан). Бу ўсимликнинг барглари, уруғи ва илдири шифобахш ҳисобланади. Исмалоқ баргининг қайнатмаси асаб системаси бузилганда

садга мувофиқдир. Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади-да, ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан ёки майдаланган баргидан 8 чой қошиқ солиб 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига 4 маҳал овқатдан олдин



тинчлантирувчи восита сифатида ичиб турилади. Қайнатмасини тайёрлаш учун 1 ош қошиқ барг уқаланмаси олинади, 200 грамм сувда 10 дақиқа қайнатилади, 1 соат тиндириб қўйилади. Сўнг докада сузиб, шарбатидан кунига ярим пиёладан 3 маҳал ичилади.

Лимонўт. Ўлкамизда ўсувчи бу ўсимлик асабни тинчлантириб, юрак ўйноғига хотима беради, иштаҳани очади. Айни баҳор дамлари лимонўтнинг мурғак кўкатлари билан ва бошқа кўкатларни аралаштириб, кўкатли чучвара, кўксомса тайёрлаб истеъмол этиш мақ-

ярим стакандан ичилади.

Бўтакўз. Ҳамма ерда, гулзорларда ўсади. Асаб касалликларидан ўсимлик гулидан дамлама қилиб ичиш тавсия этилади. Бунинг учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ солинади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан олдин чорак стакандан ичилади.

Асаб системаси ишини яхшилаш ва унинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида В₁, В₂, В₆ каби дармондориларга бой гўжа оши, арпа нони,

кўй гўшти, пишлоқ, тухум, карам, балиқ, қовоқларни истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

Асабийлашиш оқибатида юраги ўйнай бошлаган аёл киши ярим килограмм лимонни қирғичда қириб, асал билан аралаштириб эрталаб, ва кечкурун овқатдан олдин бир қошиқдан истеъмол қилиб туриши лозим.

Қаттиқ хафачилик оқибатида бош оғриғига чалиниб қолган аёл кишига ётар олдиан бир қошиқ шакарни сув билан ичишни башоратчи Ванга тавсия этган. Ёнғоқ, майиз ва пишлоқ ҳар куни истеъмол қилиб турилса, асаб толалари яхшиланади, киши чарчаш, бош оғриғидан халос бўлади, юрак мушаги мустаҳкамланади, жигар касалликлари барҳам топади. Бир ўтиришда 30 грамм пишлоқ истеъмол қилиш етарлидир.

Асаби касал гўдакни тоғдаги салқин жойдан олинган пичан қайнатилган сувда чўмилтириш керак.

Олма билан ичилган чой (олма-чай) аъзоларни мустаҳкамлайди, иштаҳа кўзғатади, кишини бардам қилади, кайфиятни ростлайди, хурсандчиликка мойил этади. Асаб бузилганда олма еб, ҳидидан нафас олиш фойдалидир.

Рус мусаввири Поленов 1895 йилда ўз дўсти Левитанга асабийлашишнинг давоси сифатида айни эриётган қордан ҳосил бўлаётган озондан тўйиб нафас олишни буюрган. У шунингдек, "Асосий дори-дармон – бу тоза ҳаво, муздеккина сув, белкурак, арпа ва болта бўлади", – деб ҳам таъкидлаган.

«Юз дардга юз даво» китобидан олинди.



ЧОРШАНБА, 5

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Инсонпарварлик йўлида". Премьера.
9.20 "Умидбахш шуъларлар".
9.40 "Солиқ ва биз".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Инсон ва қонун".
10.25 "Қушча". Бадийий фильм.
11.40 "Тафсилот".
12.05 "Баркамол авлод орзуси".
12.25 "Робин Гуд". Мультфильм.
13.45 "Спорт, спорт, спорт".
14.10 "Остонаси тиллодан".
14.30 ТВ анонс.
14.35 "Портретга чизгилар".
15.00 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Нақшлар бустони".
15.15 "Озода бўлса шаҳрининг".
15.35 "Ўзбекистон бастакорлари".
15.55 "Ягона оилада".
16.25 "Камилла". Телесериал.
"Болалар сайёраси":
16.55 1. "Болалар ва катталар". 2. "Қувнок шаҳарча". Телемусобақа.
18.10 "Ажаб саодат эрур".
18.30 "Умид". Телелотерея.
19.00 "Истемолчи".
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Долзарб мавзу".
21.25 Мусикий таанаффус.
21.40 "Ифтихор".
22.05 "Ўзбекистон" каналда илк маротаба: "Камилла". Телесериал 22.35 "Олам футбол".

ЎзТВ - II

23.00 "Ахборот-дайжест".
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Келинг, танишайлик".
9.35 "Қиролликдаги саргузаштлар". Мультсериал.
21-қисм.
Милодий иккинчи асрга оид қарашларга кўра, Исонинг акалари ва опалари Марям эмас, балки Иосифнинг аввалги никоҳидан қолган фарзандлари ҳисобланади. Шарқий ортодоксал теологияда ҳам ушбу фикр маъқулланади. Ўз даврининг етук инжилшуноси муқаддас Жером томонидан янада шакллантирилган милодий тўртинчи аср қарашларига биноан, Исонинг ака-опалари Иосифнинг акаси Клопас ва унинг рафиқаси Марямнинг зурриёдларидир. Айтиб ўтилган икки қараш ҳам бугунги кунда римлик католиклар томонидан қадрланган Биби Марямнинг бир умр бокира ўтганлигига бўлган ишонччи сақлаб қолади. Черков ислохотчилари Биби Марямнинг ҳаёти мобайнида бокиралигини сақлаб қолганлигига шубҳа қилганларидан сўнг, протестантлар Исо дунёга келгач, у Иосифдан яна бир қанча фарзанд кўрган, деб эълон қилишди. Шундай қилиб, замонавий теологларнинг фикрига кўра, Исо пайғамбарнинг ака-опалари ҳақидаги уч тахмин бўйича янги археологик топилмаларсиз аниқ бир тўхтамга келиш мушкул.

Нима бўлганда ҳам, хаворий Иаков насронийлар динининг илк тарихида ўз изини қолдирган Исонинг ягона қариндошидир. У хаворий Пётр билан бирга хаворий Павелдан фарқли ўларок, насронийлар Тора (Инжилнинг илк беш китоби)ни қўллашлари лозим деб ҳисобларди. "Иаков мактуби"нинг муаллифи ҳам айнан у бўлган кўринади. Вашингтон шта-ти (АҚШ) Спокейн шаҳридаги Гонзага университети илмий ходими, инжилшунос Патрик Хартиннинг айтишича, ушбу мактубда Исо пайғамбарга бўлган ишонч унинг "чексиз меҳнатсеварлиги" орқали исботланади, дейилган. Иаковнинг ўлиmidан сўнг Қуддус черкови жамоаси устидан раҳбарлики унинг хияни Симеон ўз қўлига олган.

Кўриниб турибдики тарихий ёзув туширилган ноёб дафн идиши нафақат Исо ҳақидаги илк маълумотларни ўз ичига олган, балки унинг акаси хаворий Иаковнинг тулган ўрни ҳақида ҳам эслатади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

НАРХИ... АТИГИ 700 ДОЛЛАР!

"Инжил археологик хабарномаси" журнали маълумотига кўра, ўн беш йил аввал қуддуслик коллекционерлардан бири (у ўз номини сир сақлашга қарор қилган) муқаддас шаҳарнинг Зайтун тоғи яқинидаги жанубий қисмида жойлашган ноёб буюмлар дўконига дуч келган. Дўкон растасидаги археологик топилмаларни кўздан кечи-раётганда сарғиш оҳактошдан ишланган дафн идиши эътиборини тортади. Улчами ярим метрлар чамаси келадиган ушбу топилма Қуддус худудидан кавлаб олинган бошқа нарсалардан деярли фарқ қилмасди. Коллекционер бундай идишлар эрамининг биринчи асрида ясалгани ва улар майит суякларини сақлашга мўлжалланганидан хабардор эди. Уларга марҳумнинг исми, баъзан эса отасининг исми ёзиларди. Мазкур идишда ҳам қандайдир ёзувлар бор эди. Аммо ноёб буюмлар ишқибозини ёзувлардан кўра идишнинг арзон эканлиги кизиқтириб қолди ва у атиги 700 АҚШ доллари тўлаб, қадимий ёдгорликни сотиб олди. Ушунда бебаҳо буюм эгасига айлангани унинг ҳаёлига ҳам келмаган эди.

ОЛАМШУМУЛ ВОҚЕА

Коллекционер Қуддусдаги тақдимотлардан бирида тасодифан Инжил археологияси бўйича таниқли мутахассис, лингвист, Сорбонна профессори Андрэ Лемэр билан танишиб қолди ва ундан харидини кўриб беришни илтимос қилди. Олим идишдаги қадимий ёзувни ўқиб чиққач ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Унга "Иаков, Иосифнинг ўғли, Исонинг акаси" деган ёзув туширилган эди!

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дафн идишларида марҳумнинг исми, баъзан эса отасининг исми ёзиларди. Ушбу ҳолатда марҳумнинг Исо билан алоқаси кўрсатилгани, ёзувга алоҳида маъно берар ва бу томондан Иаков, иккинчи томондан Исо пайғамбар яшаб ўтганидан далолат берувчи ишонччи далил бўлиб хизмат

ИСО ПАЙҒАМБАР ҲАҚИҚАТДА ЯШАБ ЎТГАНМИ?



қиларди. Инжилда ҳам Исо Иосифнинг ўғли, Иаков эса унинг акаларидан бири деб ёзилган. Муқаддас диний китобда ёзилишича аҳолини рўйхатга олиш вақтида Иаков расман Исога ўз укам деб тан олган. Ўша даврдан буён Қуддуснинг биринчи епископи хаворий (апостол) Иаковни "Исонинг акаси" дейишади.

Исонинг қариндошлари ҳақиқатан ҳам унинг таълимотини давом эттиришганми ёки йўқми, деган саволга турли фикрлар билдирилган. Иоанн талқинидаги Инжилда очикчасига "Акалари унга ишонинмаган", дейилади. Авлиё Марк буни тасдиқлаб "Қариндошлари (онасидан ташқари, албатта!) у ақлдан озган деб ҳисоблашарди", деб ёзади. Қуддусдаги Инжил ва археология институти ходими тақводор Жером Мэрфи-О'Коннорнинг фикрича, ушбу гувоҳликлардан кўриниб турибдики, "Оиласи Исодан ор қилган". Аммо инжилшунос Пэйнтер "Адолатли Иаков" деб ном-

ланган китобида таъкидлаганидек Иаков Исонинг издошлари орасида кўзга кўринган шахс бўлмаганида (у укасини қайта тирилганини кўргач, Исога ишонган!), тез орада Қуддусдаги насронийлар черковида бошчилик қила олмас эди. Боз устига, милодий 62 йилда Иаков яҳудий руҳоний Ананус даъвати билан насронийларнинг душманлари томонидан ўлдирилган. Уни тошбўрон қилиб, ибодатхона тоmidан пастга ташлашган.

Идиш ясалган вақтни радиоуглерод услубида тадқиқ қилишнинг имкони бўлмади. Чунки унинг ичида марҳумнинг суяклари йўқ эди. Тўғри, арман насронийлари хаворийнинг суяклари қадимий Қуддуснинг Кафедрал ибодатхонасида сақланаётганини таъкидлашмоқда.

ОЛИМЛАР БАҲСИ

Тадқиқотчиларнинг маълум бир гуруҳи Исонинг ҳақиқатда яшаб ўтганлиги ҳақида ишонччи далил

топилганини тан олишга шоши-лишмаяпти. Улар бу хусусда бир тўхтамга келишдан олдин, топилма жойини синчиклаб текшириб чиқиш даркор, деб ҳисоблашмоқда.

Нью-Йоркдаги Бард коллежи профессори Брюс Чилтоннинг фикрига кўра эса, ҳақиқатни би-лиш учун мазкур дафн идиши икки минг йилдан зиёд вақт да-вомида қаерда сақланганини аниқлаш муҳимдир. Бу каби та-лабларни бажариш ҳозирча му-аммо эканлиги аниқ.

Илмий мунозараларнинг бош-қа бир сабаби дафн идишидаги ёзув билан боғлиқ. Милодий би-ринчи асрда Галилей ва Иудия-да жуда кам исм тарқалган бўлиб, улар орасида энг кўп учрайдиган-лари – Иосиф, Иаков ва Исодир. Иаков исми Инжилнинг ўзида 42 марта учрайди. Шунга қарамай, юқорида тилга олинган Сорбон-на профессори инжилшунос Ан-дрэ Лемэр битта ёзувда бир йўла уч исм тасодифий тўғри келиши эҳтимоли атиги бир фоизни ташкил этади, деб ҳисоблайди! Бу эса ёзувнинг муҳимлигидан далолат беради. Профессорнинг фикрича, Ёзувда Иаковнинг ота-си ва укасининг исми келтирил-ганлиги ҳам жуда кам учрайди-ган ҳолдир. Бироқ австралиялик профессор Жон Пэйнтер Исо қариндош сифатида кўрсатил-ган ёзувда, "Парвардигоримиз Исо" деган кўшимча албатта эс-латиларди, деб қатъий ишонч билдиради.

«ЎТИЛ БОЛА» ҚИЗ

Қизни қаҳвахонага таклиф қил-ган йигит:

– Сиз ўтириб туринг, мен муз-қаймоқ билан "Фанта" олиб кела-ман, – деди.

– Унда шоколад билан шампан-виноси менинг ҳисобимдан, – ҳозир-жавоблик қилди қиз.

ЖОҲИ ШИРИҲИ

Харидор бозорда дори сотиб ўтирган кишидан сўради:

– Анальгиннинг муддати ўтиб кетмаганми?

– Янги, синаб кўришингиз мумкин.

– Ўзингиз ичиб кўрсата қолинг.

– Нима, мен сизга дегуста-торми?!

Абдулла ИСОМИДДИНОВ.

«Қ» ҲАРФЛИ КРОССВОРД


Муҳтарам муштарий!

Ушбу кроссворддаги сўзларнинг барчаси "Қ" ҳарфи билан бошланади.

Энига: 3. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинадиган меъёрий ҳужжат. 5. Инсоннинг эшитиш органи. 8. "Ўзи битта, қулоғи тўртта" (топишмоқ). 9. Лашкар. 10. "Сутдан оғзи куйган – ...ни пуфлаб ичар" (халқ мақоли). 12. Тигли қуролларнинг бир тури. 13. Янги топиш-моқлардан: "Сайр қилдирар шошилмай Юртнинг ўғил-қизини, Лекин юрган йўлида Қолдирмайди изини". 14. Қадим замон-ларда ота-боболаримиз томонидан мудофаа мақсадида қурил-ган, стратегик жиҳатдан қулай ва мустаҳкам таянч пункти.

Бўйига: 1. Қўкча, чўғари, амири, асати, гурвак, гулоби ва ҳоказо. 2. Катта варрак. 4. Киши танасининг ташқи бичими. 5. "Хизмати камтарона Ушбу рўзғор буюмин: Етказар оғзин-гизга Ошнинг куюқ-суюгин" (янги топишмоқлардан бири). 6. "Дилдан сўзлар териб маржонга, ... айтай сендай жононга" (Пўлат Мўмин). 7. Шифобахш ичимлик. 11. "Оқ қоғозим, сенга Эркин очди пинҳон ишқини, Сен бору мен бор, ... бор, ўртада бегона йўқ" (Э. Воҳидов). 12. Ернинг денгиз ва океанлар би-лан қуршалган олтига алоҳида қисмларидан ҳар бири.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.



Дилдаги гаплар

ТИПРАТИКАН «ЮМШОҒИМ» ДЕЙДИ...

Уйдан Ховос бекати тармоқ ички ишлар бўлимигача етмиш беш чақирим. Ишга турли транспорт воситаларида келиб-кетман. Истайсизми, йўқми бирга келиб, кетаётган йўловчиларнинг гаплари қулоққа чалинади. Гоҳида ўсмирлар ва болалар ўзбошимча бўлиб кетяпти, ота-онасининг гапига кирмайди, деган сўзларни эшитиб қоламан. Ҳамма айбни болаларга ағдариб, тарбиясиздан олиб, тарбиясизга соладиган катталарга ҳайрон қоламан. Ахир ўша болаларни ким тарбиялайди?

Бир куни "Жигули" машинасида уйга қайтаётгандим. Ҳайдовчи ўрта ёшдаги киши. Машина бир оз юргандан кейин тўхтаб, икки йигит чиқиб ёнимга ўтирди. 17-18 ёшлардаги бу йўловчилар ҳайдовчини танишаркан.

— Э, ака, бормисиз, ўғилчангизни кўргани бориб турибсизми? Биз колониядан яқинда чиқдик. Ўғлингиз "пахан" бўлиб юрибди, — деди улардан бири.

Бу гапни эшитиб, ҳайдовчининг чехраси ёришди. Оғзининг таноби қочиб:

— Сизлар ўғлим билан биргамидинглар. Яқинда бориб келдим. Ялло қилиб юрганмиш, у ўн саккизга тўлиши билан ёши катталар

зонасига ўтказиб юборилар экан.

Отанинг вояга етмай туриб жиноят кўчасига кирган ўғли ҳақида гурурланиб гапирётганидан ажабландим. Болалигимда қишлоғимиздан бир киши ўғрилиқ қилиб қамалганди. Оиласи иснодга чидай олмай бошқа вилоятга кўчиб кетгани ёдимда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан чиқарилган амнистия ҳақидаги Фармонга биноан жинойи жавобгарликка тортилган ўсмирларнинг гуноҳи афв этилди. Бу инсонпарварлик аввало улар

ўртасида жиноятчиликни камайтириш, отоналарнинг фарзандларга нисбатан эътиборларини кучайтириш, эгри йўлга кириб кетмасликларининг олдини олишга қаратилган. Терговчилик фаолиятимда кўплаб ўсмирлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишишга ҳаракат қиламан. Фарзанди ноҳўя иш қилиб қўйганидан куюниб, оғир вазиятдан чиқиш йўлларини изловчи ота-оналарга ачиниш, уларга кўмак бергинг келади. Бироқ, зурриёди тарбияси, келажак ҳақида ўйламай, пешонаси деворга текканда айбни бошқалардан қидирадиганлар ҳам учрайди. Юқорида кел-

тирилган мисол бунинг далилидир. Ҳар бир инсон учун фарзанди азиз. Типратикан ҳам боласини «юмшоғим» дейди. Ҳеч ким ўз дилбандини ёмонламайди,

ёмон бўлишини ҳам ис-тамайди.

Тўғри йўлдан адашиб, қамалган ўсмирлар яқинлари бағрига қайтапти. Уларнинг ҳаёти назоратда бўл-

мас экан, яна жиноят кўчасига кириб қолишлари ҳеч гап эмас. Шу боис уларнинг жамиятда яхшилар қаторидан ўрин олишларига ёрдамлашайлик. Зеро, эртанги кунимизга шулар ярайди.

Н. ЭРБЎТАЕВ,
милиция майори.



Қизиқ туманидаги Қунчиқиш қишлоғида яшовчи милиция катта сержанти Баҳодир ака Холиқов ички ишлар хизматида ишга кирганида йиллар ўтиб ўғиллари унинг йўлини давом эттиради деб ўйламаганди. Баҳодир ака тарбиялаб вояга етказган ўн бир фарзанднинг учтаси ота изидан боришди. Катта ўғли Рустам туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида маъмурий амалиёт инспектори. ИИБ Академиясида сирдан таълим олмақда. Уктам ҳам шу олий билим юртида сирдан ўқийди. Жамоат тартибини сақлаш хизматида ҳайдовчи. Илҳом профилактика инспектори. Баҳодир ака ўғиллари билан фахрланади, уларнинг фидойи милиция ходими бўлишлари учун қайғуради.
Суратда: Б. Холиқов (ўртада) ўғиллари билан.

Ҳукм ўқилди

«ҚИЗИНГИЗ КЎЧАДА ҚОЛГАНИ ЙЎҚ!..»

Гўзал ўзидан етти ёш катта йигитни севиб қолди. Албатта севиш, севилиш айб ёхуд жиноят эмас. Лекин куёв бўлмиш Рустам ҳали ўн олтига кирмаганини билатуриб, у билан турмуш қурди. Бахтига буни ҳеч ким пайқамасди. Аниқроғи, билмаганга олишди.

Ўртада Айнури исмли фарзанд туғилса-да, Гўзал рўзгор ишлари ва оила ташвишларига ҳали чиниқмаган эди. Турмушдан нолиб, тез-тез онасиникига борадиган одат чикарди. Зулайхо опа кизига ҳаётнинг пасту баландини босиқлик билан тушунтириш ўрнига куёвини чақириб, "пул топишни билмайсан, ношуд", дея дакки берди.

Бир марта ҳаётда қоқилиб, қамоқхона нонини татиб кўрган Рустам иккинчи бор адашишни истамасди. Ҳалол пул топиш мақсадида Тошкентга келди. Усталарга қўшилиб, одамларнинг иморатини қурди, таъмирлади. Совға-салом, пул билан уйига келган Рустам хотини йўқлигини кўриб хафа бўлиб кетди.

Бу пайтда Гўзал бетоб бўлиб қолган онасига қараб ўтирарди. Рустам ҳам қайнонасини бориб кўрди, ҳол-аҳвол сўради. Қайтишда хотинини олиб кетишга руҳсат беришини илтимос қилди. Афсуски қайнонаси "сен қизимни боқолмайсан, уни уйга юбормайман", деб туриб олди.

— Қизингиз кўчада қолгани йўқ. Тўрт мучам соғ экан, оиламни боқишга қурбим етади. Шунча вақтдан бери ишлаб пул топдим. Энди оила аъзоларим билан уйда дам олишга ҳақим бордир?! — деди. Қайнонаси бунга жавобан бадтар бидирлади. Нафсониятига теккан гапларни кўтаролмай ғазабга минган куёв пичоқни қиндан олганида Гўзал "войдод" деб эрининг йўлини тўсди. Бироқ қорнига санчилган тигдан фарёд чекиб, қўшниларикига чопди.

Тақдирга тан берган куёв олдинга интилди ва қайнонасининг ўн беш жойига пичоқ уриб, қотилга айланди. Аянчлисиз, бу мудҳиш воқеа жажжи қизалоқлар — Айнури ва қайсинглиси Канзираларнинг кўз олдида рўй берди. Улар кўрқувдан қараётган бўлиб қолишганди. Рустам эса қилган ишининг оқибатини тушуниб етиб, жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўз қорнига пичоқ тикди. Аммо оғриққа чидамай бошқа уришга ботинолмади.

Ушбу ишни кўриб чиққан Қорақалпоғистон Республикаси жинойи ишлар бўйича Олий суди шуманайлик Рустам Аюезмуротовни 19 йилга озодликдан маҳрум этди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Бекзод К. янги йил баҳонасида тоғасини кўргани келди. Хурсанд бўлган тоға жиян ҳурматиға роз сўйиб, зиёфат уюштиради. Яхши, ёмон кунларда йўқлаб турувчинг бўлса, бошинг осмонга етади, албатта.

Тоға-жиян қиттак-қиттак "обизамзам"дан олиб, гурунглашиб ўтиришди. Сийловдан оғзининг таноби қочган Бекзод тоғасига роса ҳамду сано ўқиди. Лекин унинг миёсида бошқа фикр айланарди. Тоғасининг байрам арафасида от сўйиб, сотганини эшитган Бекзод шум ният билан келганди.

ЭГРИҚЎЛ ЖИЯН

Эртасига тоғаси, янгаси ишга кетганда Бекзод уйда ёш болалар билан қолади. Уларнинг кўзини шамғалат қилиб, меҳмонхонани тинтув қилиб чиқади. Ҳеч нарса тополмагач, тоғаваччаларнинг эслирогини гапга солади.

— Даданг отнинг пулини қаерга қўйганлар?

— Билмадим.

— Агар айтсанг сенга велосипед олиб бераман.

Ёш болани авраб, пулнинг қаердалигини билиб олгандан

кейин ими-жимиди ишни битириб, жўнаб қолади.

Ишдан қайтган тоғаси воқеани эшитиб, ишонқирамайди. Қараса, ҳақиқатан отнинг пули жойида йўқ. Нақ 250 минг сўмни "меҳрибон" жиян ўмариб кетибди.

Аваллига тоға жиянининг олдига бориб, ўзи билан гаплашмоқчи бўлди. Лекин уйдан тополмади. Уч-тўрт кун йўқ бўлиб кетган Қорахитой қишлоғилик Бекзодни милиция ходимлари тутиб келишди...

Х. АТАБОВЕВ,
милиция лейтенанти.
Оҳангарон тумани.

Гиёҳвандлик — иллат

ҚУТИДАГИ ТИЛСИМ

4 январь куни Э. Мурадулла Қарши шаҳридаги темир йўл шоҳбекатида ароққа тўйиб олиб, фуқароларнинг асабини бузиб юрганида милиция ходимлари уни Пахтазор миттитуманида жойлашган милиция таянч пунктига келтиришди.

Унинг кийимлари кўздан кечирилди. Камзулининг чап чўнтагидан иккита гугурт қутига жойланган 5,7 грамм марихуана топилди. У доимий равишда гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиб юришини яширмади.

— Бу шахс Ғузур туманида яшашини айтди. Маэкур ҳолат бўйича тўпланган материаллар тергов бўлими томонидан

ўрганиб чиқилди. Мурадулла гиёҳвандлик моддасини Қовчин қишлоғида яшовчи Т. Шерматдан сотиб олгани маълум бўлди. У биринчи гуруҳ ногирони. Ота-онаси билан яшайди. Наша сотса яйрармиш, — деди Қарши шаҳар ИИБ тергов бўлими балигининг ўринбосари, милиция майори М. Қаюмов.

Дастлабки суриштирувда

Э. Мурадулла бир гугурт қутидаги марихуанани Шерматдан 3000 сўмдан сотиб олганини билдирди. Ушбу кўргазма бўйича Т. Шерматнинг уйи ва ёрдамчи ўжа-лигида тинтув ўтказилганда беда боғламлари остидан 32 та гугурт қути ва иккита халтада сақланаётган жами 5 килограмм 425 грамм марихуана топилди. У миждорларга гиёҳвандлик воситасини алоҳида қадоқлаб, гугурт қутиларига жойлаб, пинҳона сотишни мўлжаллаган экан. Ёши қирққа етган бу инсон бошқаларга ўрнат бўлиш ўрнига захри қотил улашиб юрганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ўроз ҲАЙДАРОВ.

Қисқа сатрларда

Оққўрғон туманида А. Хайридин, Ж. Эргаш, Б. Исоқ ва Р. Ҳакимлар ўзаро жинойи тил бириктириб, "Маданият" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган маданият уйи биноси тоmidан ошиб тушадилар. У ердаги нархи 3 миллион сўмга яқин бўлган қурилиш молларини ўғирлаб

кетишганда милиция ходимлари уларни қўлга олишди.

Бекобод шаҳар ИИБга фуқаро М. Юра ариза билан мурожаат қилиб, гаражидан "Урал" ва "Иж — Юпитер — 5" русумли мотоцикллари ўғирлаб кетилганлигини маълум қилди.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни беқободлик Ф. Йўлдош содир этганлиги аниқланиб ушланди.

Янгийўллик Р. Жабаева меҳмондорчиликка отланаётиб, 150 минг сўмлик тилла зирагини тақиб олди. У Самарқанд кўчасида

кетаётганида номаълум шахс зиракни юлиб, воқеа жойидан яширинди. Опа қулоғини ушлаганча ИИБга келди. Тезкор ҳаракатлар туфайли Бухоро вилояти Пешку туманида яшовчи Х. Қодир ушланди. Ундан зирак ашёвий далил сифатида олинди.
Шерали АНВАРОВ.

Болалар — келажигимиз

«БУЛАР КИМНИНГ ФАРЗАНДИ?»

Насиба мўлтираганча милиция майори Галина Куканянцга илтижо қиларди:

— Галя хола, илтимос, мени махсус мактабга юборманг. Агар у ерга жўнатсангиз отам хароб бўлади.

Она фарзандларини ташлаб кетганида Насиба уч, синглиси эса икки ёшда эди. Уларни керакли даражада тарбиялай олмаслигига кўзи етган ота қизларни Меҳрибонлик уйига топширди.


Орадан йиллар ўтиб, Насиба ва Нигора вояга етишди. Муассасадаги шароит ҳар қанча тўқис бўлмасин улар ота-она меҳридан бенасиб эдилар. Шу боис яқинларидан бирортаси келиб олиб кетишини кутиб яшашарди.

Кунларнинг бирида шундай бўлди ҳам. Меҳрибонлик уйига ташриф буюрган Иброҳим ака фарзандларини бағрига босиб, бундан кейин бирга яшашни таклиф қилди. Қизлар рози бўлишди. Бу пайтда ота бошқа аёлга уйланган бўлиб, ўртала-рида бир ўғил бор эди. Угай она дастлабки кундан бошлаб қизларни ёқтирмади. Имконият туғилди деганча уларни камситишга уринарди. Боз устига, кутилмаган воқеа рўй берди. Иброҳим ака жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолди. Ана шундай оғир дамларда хотини оиласини ташлаб, ўғли билан Россияга жўнаворди.

Вақт ўтиши билан қизларнинг феълида ўзгариш сезила бошлади. Бири ўн олти, иккинчиси ўн беш ёшда бўлишига қарамай, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўпроқ тотиганлариданми, тенгқурларига нисбатан феъл-атворлари ўзгача эди. Насиба отасини ҳурмат қилиб, доимо унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилар, ноҳўя гап гапириб юборса виждон азобидан қийналарди. Синглиси эса баджаҳл, кўпол ва тева-рак-атрофлагиларга анча бепарқ эди.

— Қизлар билан танишганимда бир жиҳатдан ҳайратга тушдим, — дейди Сиёб тумани ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция майори Галина Куканянц, — улар ёш бўла туриб уятчанлик, латофат, муомала маданиятидан бенасиб эдилар. Шу боис қизларни қайта тарбиялашга киришдик. Онани излаб топганимизда уни она дейишга тиллари бормай исмини айтиб сўзлашди. Юраклариди фақат битта туйғу — нафрат зоҳир эди.

Аёлдан нега фарзандларини ташлаб кетганини сўраганимда «Шахсий ҳаётимни йўлга қўймоқчи эдим», дея жавоб қайтарди. Нима ҳам дердик. Лекин шахсий ҳаётни йўлга қўйиш ўз фарзандларидан ажраб қолиш, дегани эмас-ку. Бахтга қарши, барча аёллар



ҳам оналик масъулиятини чуқур ҳис этишмайди. Ва бу кўп ҳолларда болалар ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

— Хўш, опа-сингилларнинг кейинги тақдирини қандай кечди?

— Нигорани Қўқондаги ёпиқ турдаги махсус касб-ҳунар мактабига жўнатдик, опаси эса отаси билан бирга қолди. Албатта, у бизнинг назоратимизда бўлади.

Бошқа бир ўсмирнинг ҳаётини олиб кўрайлик. Унинг исми

Акмал. Онаси вафот этгач отаси бошқа аёлга уйланади. Шундан сўнг ўн беш ёшли ўсмир янгитдан қурилган оилада ортиқчалик қила бошлади. Шу боис кўп вақтини кўчада ўтказди. Аста-секин чекиш, кейин эса ичкиликка ўрганади. У милиция эътиборига тушганда пианистага айланиб бўлган эди. Ҳозирда Акмал мажбурий даволанишда.

— Даволаниб чиққач уни ишга жойлаштирамиз, — дейди Г. Куканянц суҳбатни давом эттириб. — Ўсмир ҳаётдан ўз ўрнини топиб кетишига ишончим комил.

Шу ўринда қатор саволлар туғилиши табиий. Нега бундай болалар милиция ҳисобига олингандан кейингина қилмишларидан хабар топиб, бошмизни чангаллаб қоламиз? Улар нотўғри йўлга қираётганда қаёққа қарадик? Катталар ёрдамига муҳтож пайтида нега суямадик? Насиба, Нигора ва Акмаллар сизу биз билан бир маҳаллада яшаган бўлишса эҳтимолдан холи эмас. Маҳалла-кўй бундан хабар топиши керак эди-ку. Эҳтимол юртбошимиз шу боис ҳам 2003 йилни Обод маҳалла йили деб эълон қилишни таклиф этгандирлар. Зеро, мустақил юртимизнинг келажиги кўп жиҳатдан айнан маҳалла фаоллари, мазкур масканларда яшаётган обрўли кишиларга боғлиқ.

Одатда нобоб бола бўлмайди, балки айрим ўсмирларимиз сизу бизнинг эътиборимиздан четда қоладилар, холос. Бунини асло унутмаслик зарур.


Д. САЛОҲИДИНОВА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда:

Абдурахмон Абдурау-пович ЖўРАЕВ. 1961 йил-

да туғилган. Оққўрғон тумани «Оққўрғон» ширкатлар уюшмаси марказий бўлимида яшаган.



Дониёр Гаппарович ЭГАМБЕРДИЕВ. 1968

йилда туғилган. Оққўрғон тумани Мамут қишлоғида яшаган.



Азад Талгатович САДИКОВ. 1970

йилда туғилган. Оққўрғон шаҳар Охунбобоев кўчаси 3-уйда яшаган.



Шухрат Ашурович ШОДИЕВ. 1975 йилда ту-

ғилган. Оққўрғон тумани С. Сегизбоев ширкатлар уюшмаси 3-бўлимида яшаган.



Сафар ЖОНИКУЛОВ. 1972 йилда туғилган. Тожикистон Республикаси Хўжанд вилояти Зафаробод туманида яшаган.

Сервер Исмаилович СЕЙДАМЕТОВ. 1977 йилда

туғилган. Оққўрғон тумани С. Сегизбоев ширкатлар уюшмаси 4-бўлимида яшаган.



Хусан Умароҳунович НИЯЗОВ. 1965 йилда

туғилган. Оққўрғон тумани Охунбобоев жамоа хўжалигида яшаган.



Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан Оққўрғон тумани ИИБ ёхуд яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Шерзод РАЖАПОВ.

Қилмиш-қидирмиш

ЎЎЛДАГИ ЗЎРАВОНЛАР

Кайфи ошиб қолган Шавкат ҳаракатлини келажатга «ВАЗ-2106» русумли автомашинанинг йўлини тўсди.

— Қамроқ ичсангиз бўлмайдими, биродар, — дея насиҳат қилди ҳайдовчи норози бўлиб. Шавкат ҳеч бир сабабсиз уни машинадан тортиб тушириб, дўппослай бошлади.

Хўш, бу зўравон ким ўзи? Ҳазорасплик Шавкат иш жойининг тайини бўлмагани учун уйда ёлғиз ўтириб зерикди. У холавачаси Уктамбойнинг қурилиши тугалланмаган чойхонаси биносига борди. Укаси Алишер шу ерда экан. Кўп ўтмай ўзи каби бекорчи дўстлари ҳам келиб қолишди. Улар қовурилган балиқ билан икки шиша ароқни бўша-

тишди. Кимдир яна ичишни таклиф қилди. Унинг гапи ерда қолмади. Хуллас, тушгача анча ароқ ичилди. Кайфи ошган йигитлар бирин-кетин уйларига тарқала бошлашди.

Катта йўлга чиққан Шавкатнинг «шер»лиги тутиб кетди. У физиллаб келажатга автомашинанинг олдини тўсди. Ҳайдовчи уни инсофга чақирмоқчи бўлди. Аммо Шавкат ҳай-

довчини машинадан тортиб тушириб, яна хунарини кўрсата бошлади. Муштлашувга укаси Алишер ҳам қўшилди. Ҳайдовчи Иноят Абдуллаев зўравонларга қаршилиқ қилишга ожизлик қилди.

Бу манзарадан бироз ўзига келолмай турган Дилором тезда машинадан тушиб, турмуш ўртоғига кўмаклашмоқчи бўлди. Аммо безорилар уни итариб юборишган эди, асфальтга юзтубан йиқилди. Вазият бундай тус олишини кутмаган Дилором «ёрдам беринглар!» дея дод солди. Шу ҳудудда хизмат вазифасини ўтаётган Ҳазорасп тумани ИИБ ходимлари тезда ёрдамга келиб, зўравонларни қўлга олишди.

Ака-ука Шавкат ва Алишер Матёкубовлар суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазоландилар.

И. ХУДОЙНАЗАРОВ,
милиция майори.

... Пайшанбадан пайшанбагача...

УКАНИНГ ҚОТИЛИ —

АКА

Темирийўл туманилик И. Ў. уйда қорнига ўткир тигли жисм санчиб ўлдирилган ҳолда топилди. Тергов-тезкор ҳаракатлари қотилликни марҳумнинг акаси содир этганлигини аниқлади.

ТУНГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи М. М. тунда Чилонзордаги «Ал-Кабр» қаҳвахонаси яқинида йўлтўсарларга учради. Зўравонлар уни кўрқитиб, 80.000 сўм пули ва эгнидаги пальтосини ечиб олдилар. Аммо улар узоққа кетишолмади. Энди қилмишлари учун жавоб беришяпти.

НОМАРД ХАЙДОВЧИ

Олтинсой тумани суғурта идорасининг ишчиси Э. Шу-

куров тунги соат иккиларда оғир аҳволда қасалхонага олиб келинди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатига қарамай у ҳушига келмай вафот этди. Уни маҳалла йўлида машина уриб кетган эди. Номард ҳайдовчи жабрдийдани зудлик билан шифохонага етказиш ўрнига воқеа жойидан яширинган. Тезкор ҳаракатлар натижасида у қўлга олинди.

СОХТА МИЛИЦИЯ ХОДИМИ

Фуқароларимизга баъзан соддаликлари ҳам панд бериб қўяди. Пойтахтнинг Қатортол кўчасида истиқомат қилувчи Д. Ш. га тунги соат ўнларда дуч бўлган лўттибоз ўзини милиция ходими деб таништириб, гаплашиб олиш учун четга ўтишни таклиф қилади. Овлоқ жойга етиб келишгач унга пичоқ ўқталиб, 2700 сўм пулини тортиб олди. Ҳозирда сох-

та милиция ходими асли ким эканлигини айтиб беряпти.

МАШИНА ЁҚИБ ҚОЛДИ

Қорақалпоғистонлик Ж. М. Кўнғирот туманидаги дехқон бозори олдида Мўйноққа бориш учун машинага ўтирди. Кўп ўтмай унга машина ёқиб қолди. Кимсасиз жойга етганда ҳайдовчини туртиб-ниқтаб тушириб юборди-да, ўзи рўлга ўтириб газни босди. Аммо «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, унинг югургани 30 чақиримгача бўлди.

КАЙФИ ТАРҚАГАЧ...

Сирдарё туманилик П. Л. маст ҳолда уйига келган меҳмонининг бошига гантел билан уриб ўлдириб қўйди. Эртасига кайфи тарқагач жиноятни яшириш учун мурдани уйи олдидаги ахлатхонага кўмиб ташлади. Аммо виждони тинчлик бермади. Охир-оқибат

орадан уч кун ўтгач, ўз қилмишига иқроп бўлиб туман ИИБга келди.

ЖАНЖАЛКАШ АЁЛЛАР

Зангиоталик Г. ойдаи кўшниси билан уйи олдида гаплашиб туриб, жанжаллашиб қолди. Жаҳл устида унинг қорнига пичоқ тиқиб олди. Оқибатда аёлларнинг бири қасалхонага, иккинчиси ички ишлар бўлимига келтирилди.

БОСКИНЧИЛАР УШЛАНДИ

Янги йилга ўтар кечаси пойтахтимизнинг А. Икромов тумани 12-дахасида яшовчи Г. С. ни ўз уйида икки номаълум кимса тунаб кетган эди. Ушанда жабрдийда миллион сўм пул ва 2 дона заргарлик буюмидан ажраб қолганди. Яқинда босқинчиларнинг иккиси ҳам қўлга олинди.

Жиноят ва жазо

ҚУДУҚДАГИ ҚОТИЛЛИК

– Акажон, ўтинаман урманг! Биз сизга нима ёмонлик қилдик?

Канализация қудуғининг қоронғу бурчакларидан чиқаётган бу овоз аччиқ фарёдга айланди-ю, тинди. Ҳеч қанча вақт ўтмай қудуқ оғзида Содиқнинг боши кўринди (исмлар ўзгартирилган). У қўлидаги қонни ўтларга артди-ю, атрофга олазарак қараб, уни сабрсизлик билан қутиб турган Қосимга юзланди:

– Тинчтидим.

... Вақт пешиндан оғса ҳам қўни-қўшнларнинг молларини ўзиникига қўшиб, боқиш учун олиб чиқиб кетган ўн-ўн бир ёшли Фарҳод ва Илҳом уйга қайтмади. Бундан хавотирланган катталар болаларни қидира бошлашди. Анчадан кейин автобус бекатида боғлаб қўйилган учта сигирни топишди. Болалар ва яна ух сигир ҳеч қаерда йўқ эди.

Уларни қидира-қидира чарчаган ота, ака ва амакилар тонг саҳарда таваққалига Тошкент вилоятидаги “Шўро” бозорига етиб боришди. Бозордаги юзлаб моллар орасидан ўзлариникини таниб олишлар

ри қийин бўлмади. Уларни иккита бегона йигит ушлаб турарди.

– Ука, моллар кимники? – сўради “изкувар”лардан бири.

– Қариндошимизники. “Сотишга ёрдам бер” дегандилар. Сотиб оласизми?

– Албатта!

Шу кунлик йўқолган икки боланинг қариндошлари ва ички ишлар ходимлари “мол ўғриси” – пойтахтнинг Юнусобод даҳасида яшовчи, 1982 йилда туғилган Содиқ ва унинг “мол сотишда ёрдамлашаётган”, ҳеч гапдан хабари йўқ жиянини қўлга олдилар. Фожианинг яна бир ташкилотчиси – ҳеч қаерда ишламайдиган, икки фарзанднинг отаси, муқаддам судланган Қосим ҳам ушланди.

Терговда икки ўсмирнинг ўлдирилгани аниқланиб, канализация қудуғидан мурдалари топилди.

– Қосим акадан саксон минг сўм қарз эдим, – дея судда ўзини оқламоқчи бўлди Содиқ. – У ҳадеб пу-

лини қистайвергач, мол боқиб юрган ёш болаларни кузатдим. Ниятим молларни ўғирлаб сотиш ва қарзимдан қутулиш эди.

Таклифимга Қосим ака ҳам рози бўлди. Иккимиз режа тузиб олгач, болалар билан танишиб, уларнинг ишончига киришга ҳаракат қилдик. Бирга тарвуз едик, минерал сув ичдик. Лекин улар боқиб юрган қорамолларини сира кўздан қочирмадилар. Охири Қосим ака билан келишиб, уларни алдаб канализация қудуғига олиб тушдик. Болаларни ура бошлаганимизда бақириб, ялиниб-ёлвориб йиглай бошладилар. Овозларини биров эшитмасин, деб уларни қудуқнинг қоронғу томонига олиб ўтдик. Қосим ака қувурдан ташқарига чиқиб кетди. Мен эса болаларнинг бўйни ва бошқа жойларига тиг санчиб, ўлдирдим. Сўнг ташқарига чиқиб, Қосим ака йўлнинг четига олиб ўтиб қўйган моллардан уч бошини автобус бекатигача етаклаб бо-

риб, ўша ерга боғлаб қўйдим. Жиянимга “Қосим аканинг моллари”ни сотишга ёрдам берайлик деб айтдим. Молларни “Шўро” бозорига олиб бордик. Тонгда уларни сотаётганимизда Фарҳоднинг отаси келиб ушлаб олди...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳукми билан вояга етмаган Фарҳод ва Илҳомларни ваҳшийларча ўлдириб, ўғрилиққа қўл урган Содиққа ўлим жазоси берилди, унинг жинойи шериги Қосим эса 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Одатда фарзандларимизга уйда ёлғиз қолганда газ, электр асбоблари, гугурт кабиларни ўйнамаслик, кўчада транспорт воситаларидан эҳтиёт бўлишни тайинлаймиз. Юқоридаги воқеадан кўриниб турибдики, ишонувчан болажонларни минглаб софдил одамлар орасидан Содиқ ва Қосим каби ваҳшийларни фарқлай олиш, улардан эҳтиёт бўлишга ҳам ўргатишимиз жоиз экан.

Комилахон АБДУВАЛИЕВА,
судья.
Шаҳзода ШЕРМАТОВА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда:

Юлчибой Асроевич ХАЙТМЕТОВ. 1965 йилда туғилган. Тошкент вилояти Ўрта-чирчиқ тумани “Ўртасарой” жамоа хўжалигида яшаган.



Асқар Абдурахмонович ХАЙДАРОВ. 1971 йилда туғилган. Қуйи-чирчиқ тумани “Ўзбекистон 5 йиллиги” ширкат хўжалигида яшаган.



Юрий Александрович АКШУМОВ. 1961 йилда туғилган. Оққўрғон тумани Олимкент қўрғони Фузулий кўчаси 22-а уйда яшаган.



Клара Мамараковна ДЖУМАЛИЕВА. 1963 йилда туғилган. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Охунбобоев жамоа хўжалигида яшаган.



Гайбулло ВОХОБОВ. 1952 йилда туғилган. Оққўрғон шаҳар Усмон Носир кўчаси 27-уйда яшаган.



Алиакбар Хусанович ХАСАНОВ. 1953 йилда туғилган. Оққўрғон шаҳри Мустақиллик кўчаси 17-уйда яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни қўрган ёки қаердалигини билганлардан Оққўрғон тумани ИИБ ёхуд яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ҚАБИХЛИК

Акмал Султонов кўпчиликнинг ҳаваси келадиган йигит эди. У мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Республика ИИБ Академиясида таҳсил олди. Қадди-баста келишган эмасми, янги милиция кийимини ун янада хушсурат қилиб юборди. Академияни тугатиб, Андижон тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинимасида тезкор вакил бўлиб хизмат қила бошлади. Эндигина 23 баҳорни қаршилаган йигитнинг бир дунё орзуси бор эди. Санокли кунлардан кейин ўғлини уйлантириш тараддудида юрган ота-онанинг аламу фарёдини эшитган одамнинг юрак-бағри эзилди. Чунки Акмал чимилдиқ юзини кўрмай, бир гўзалнинг сочини силамай, гўшаганда янгаларнинг “ёр-ёр”ини тинглашдек бахт насиб этмаганидан армони кўп эди уларнинг.

... Кечки овқатни оила аъзолари билан бирга баҳам кўрган Акмал соат 20.00да бўлимга етиб бориши учун кўчага отланди. Орадан 10-15 дақиқалар ўтгач, орқада келаётган “Запорожец” русумли автомашина рўпарадаги машинадан қочиб, йўл четига кетаётган Акмални зарб билан уриб юборди. Рўзивой ўша кунга роса тўйиб ичгани учун ҳам рулни бошқаролмай қолганди. У йўловчини уриб юбориб, тўхтамасдан кетаётганда бошқа бир машина ҳайдовчиси – Баҳодир Йўлдошев Рўзивой уриб юборган одамга ёрдам бермай қочиб кетишига йўл қўймади.

– Бирга касалхонага олиб борайлик, тезроқ ҳаракат қилсак тирик қолади, – деди Баҳодир асфальтда ётган Акмалнинг бошини кўтарганча.

– Сиз уни машинага солишиб юборсангиз бўлди, касалхонага тезда ўзим етказаман, – деди ҳайдовчи Рўзивой Бўронов ҳуши бошидан учганча.

Баҳодир Йўлдошев унинг гапларига ишонди. Ҳамма ёғи қонга бўялган Акмални Рўзивойнинг машинасига кўтариб, солишиб юборди.

Афсус, у бекорга ишонган эди. Одам боласи шу даражада пасткашлик қилишига ишонмайсан киши. Рўзивой оғзи-бурнидан, қулоқларидан қон оқаётган Акмални Андижон тумани “Чўлпон” жамоа хўжалиги худудидаги сойнинг четига ташлаб юборди. Унинг ҳали тирик эканлигини била туриб, кимсасиз ерда қолдириб кетди. Агар у ўлиб қолса ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган эди. Аммо Р. Бўронов чучварани хом санаганди.

– Ўшанда йигит нафас олиб турганди, – деди қотил кейинчалик афсус билан. – У тирик қолса, қамалиб кетаман, деб кўрқдим. Агар касалхонага вақтида етказиб борганимда ҳаётни сақлаб қолиниши мумкин эди. Лекин мени шайтон йўлдан урди.

Ҳа, қабихлик бир оила аъзолари юрагини қон, қаддиларини дол қилди. Диёнатли одамларнинг саъй-ҳаракати билан жиноят очилди. Суд Р. Бўроновни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

С. АҲМАДЖОНОВА,
Ш. ИСОМИДИНОВ.

ХИКМАТ
Қайда равшан бўлса тўғрилиқ нури, Эгерлик сўнади, қурийдн шўри.

...“Дамас” Ангор қўрғонига яқинлашганда йўловчилардан бири автомобилни тўхта-тишни сўради. “Оғайни, сен айтилган ишни бажариб тезда орқанга қайт, келишилган жойда кутаман”, деди у машинадан тушаркан, орқа ўриндиқда ўтирган шеригига. “Дамас” яна йўлида давом этди.

БАРБОД БЎЛГАН «ОПЕРАЦИЯ»

Кимсасиз яйдоқ далалар бошланди. Йўловчи машинани бир пасга тўхтайтишни, зарурат юзасидан тушмоқчи эканлигини айтди. Машина йўлнинг чеккасига чиқиб тўхтади. Шу пайт йўловчи Жўрабойнинг бўйнига пўлат сим ташлаб, бўга бошлади. Икковлон ўртасида бир неча сониялик олишув бўлиб ўтди. Ниҳоят ёвуз чангалидан озод бўлган ҳайдовчи машинадан туша қочиб қолди. Машина ўз ихтиёрида қолганини ҳис қилган босқинчи рулга ўтириб орқага – Термиз шаҳрига йўл олди.

Бир амаллаб яқин ўртадаги милиция таянч пунктига етиб борган Жўрабой Чориев бўлган воқеани ички ишлар ходимларига гапириб берди. Бу хабар тезда вилоят ички ишлар бошқармаси, барча туманлар ички ишлар бўлимларига етказилиб, “Туттиш” тадбири эълон қилинди.

Вилоят ИИБ “Динамо” ФСЖ бўлими бошлиғи, милиция капитани Зокир Мейлиев ҳамда Термиз шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими вакили Сирожиддин Самадовлар ҳам ушбу транспорт олиб қочилишидан рация орқали хабар топишди. Улар Термиз тумани худудида яқинлашганларида йўл четигаги дарактга урилган “Дамас”га кўзлари тушди.

– Олиб қочилган машина-ку, – деди С. Самадов шеригига. – Автохалокат рўй берганга ўхшайди. Тўғри борсак гумондор қочиб кетиши мумкин, бирор чора йўлаб топиш керак.

– Машинани сал ўтказиб тўхтата-сан. Мен гўё бензин сўраган киши бўлиб унга яқинлашаман, – деди фуқаролик кийимдаги “Жасорат” меда-

ли соҳиби Зокир Мейлиев.

Келишилганидек, улар машинани тўхтайтиб, гўё уни созлаётгандек ҳаракат қила бошладилар. Зокир Мейлиев эса қўлига идиш олиб, “Дамас” ҳайдовчиси ўтирган томонга юрди.

– Биродар, бензинимиз тугабди, бир-икки литр бериб тур, шошиб турувдик, – деди у ўзини танг аҳволда қолгандек кўрсатиб.

– “Дамас”дан бензин олиш қийин, бунинг устига узоқ йўлга кетишим керак, – деди ҳайдовчи безовталаниб.

– Тушунсанг-чи, мен ҳам қийин аҳволда қолдим. Ҳеч бўлмаса заправкага етиб олай.

Ҳайдовчи ноилоҳ “Дамас”дан тушди. Шунда милиция капитани самбо усулини қўллаган ҳолда уни ерга йиқитди. Зум ўтмай С. Самадов ҳам етиб келди. Босқинчи вилоят ички ишлар бошқармасига топширилди.

Дастлабки тергов жуда кўп сирларни очиб ташлади. Маълум бўлишича, Термиз шаҳрининг Олмазор кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Жаҳонгир беш нафар ҳамтовоғи билан янги машиналардан бирини босқинчилик йўли билан қўлга киритиш ва қисмларга бўлиб, сотиб юборишни режалаштирган экан. Уларнинг тузоғига эса Жўрабой Чориев илинганди. Агар мудҳиш режа амалга ошганда бир инсоннинг умри бевақт сўниши мумкин эди. Аммо милиция капитани Зокир Мейлиев ва милиция кичик лейтенанти Сирожиддин Самадовларнинг матонати туфайли Жаҳонгир бошлиқ босқинчилар режалаштирган “операция” барбод бўлди.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги милиция полковниги **Шермат ОРТИҚОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБ ва Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Равиль Умургазинга отаси **Мазин УМУРГАЗИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ маркази аъзоси, истеъфодаги милиция подполковниги **Вали РУСТАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирилди.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги милиция капитани **Мухиддин ЖАЛОЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби хўжалик бўлимининг милиционер-ҳайдовчиси, милиция сержанти Иброҳим Каримовга отаси **Ақром КАРИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби молия-иқтисод бўлими ҳисобчиси, милиция кичик сержанти Равшан Отановга падари бузруквори **МАРКС отанин**г вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш Республика Бирлашмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлими шахсий таркиби билан ишлаш гуруҳи инспектори, милиция лейтенанти **М. Нурходжиева**га отаси **Самад НУРХОДЖИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ҲОРМАНГ, УСТОЗ!

Андижон вилояти спорт жамоатчилигига бокс бўйича мураббий Шухрат Абдуллаевнинг номи яхши таниш. Бу бежиз эмас, албатта. У йигирма йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида мамлакатимиз шаънини халқаро майдонларда ҳимоя қилган кўплаб спортчиларни етиштиришга муваффақ бўлди. Улар орасида динамочилар – Олимпиада чемпиони М. Абдуллаев, жаҳон чемпионлари Р. Чагаев, Ў. Ҳайдаров, жаҳон биринчиликлари совриндорлари Т. Турғунов, И. Йўлдошев каби машҳур боксчилар бор.

Шухратнинг ўзига эса Заурак кишлоғилик жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдусаттор Мамадалиев илк бор устозлик қилган. У йигиртада истадод ва боксга қизиқишини пайқаб, ўша пайтдаги таникли мураббийлар В. Кузнецов ва В. Бойченколар хузурига олиб борди. Ш. Абдуллаев улар раҳбарлигида машқларга қатнашиб, тажриба тўплаб борди. Қисқа вақт ичида талайгина мусобақаларда иштирок этиб, ҳақиқий бокс устаси бўлиб етишди. Эндиликда спортнинг ушбу тури бўйича бор билими ва маҳоратини ёшларга ўргатмоқда.

Бугунги кунда Ш. Абдуллаев раҳбарлик қилаётган тўгарак машғулотларига юзга яқин ёш боксчилар қатнашмоқда. Устознинг самарали меҳнати Президентимизнинг Фармонида биноан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий” унвони билан муносиб тақдирланди.

Б. КЛЕЙМАН.

ЭНИГА: 7. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи қаҳрамони. 9. Раҳмдиллик, шафқат хислати. 13. Фалокат. 16. Ироқ пул бирлиги. 17. Истиқбол. 19. Ўқтам Усмоновнинг “Гирдоб” романи қаҳрамони. 20. Товуш, овоз. 26. Ҳосилнинг маълум қисмини олишга байлашиб ишловчи деҳқон. 28. Кескич тош. 29. Кавказдаги оромгоҳ маскан. 33. Саноатда ишлатиладиган газ. 35. Чақириқ.

БЎЙИГА: 2. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 3. Воқеа ҳақидаги мўъжаз асар. 10. Пайғамбар. 11. Юк кўтариш техникаси. 12. Тиш ўрни, аъзо. 14. Қўйнинг нозик, оқ жунли зоти. 15. Моҳир ошпаз. 22. Кимёвий элемент. 23. Танга пул босиб чиқариш. 24. Металл олимпиадиган маъдан. 30. Туркиядаги порт шаҳар. 31. Даромаддан тўланадиган маблағ.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Яратганга сизиниш маросими. 4. Топишмоқ шеър. 5. Ички ёниш двигателида ёниш буғи билан ҳаво аралашмасини тайёрлаб берувчи асбоб. 6. Ўзбек математик олими. 25. Сайёраларни ўрганиш қурилмаси. 27. Ишлаб чиқариш жараёнлари, усул ва воситалари ҳақидаги билимлар мажмуи. 32. Назар-этибор. 36. Турли мақсадлар учун қурилган бинолар ва уларнинг ускуна жиҳозлари.

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 8. Қадимги юнон файласуфи. 18. Ҳафта куни. 21. Сабзавот экини. 34. Ўтмишда қишлоқ оқсоқоли.

КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Таянч нуқтаси атрофида айланадиган ва оз куч билан кўп кучни мувозанатга келтирадиган дастак – 3,2,12,1,4,9.


2. Сувада оқизиладиган ҳодлар – 11,10,6.

3. Кўриш аъзоси – 7,8,5.

Энди жавоб сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларда ифодаланган ўзбек халқ мақолини билиб олинг.

Ф. ОРИПОВ тузди.

КРОССВОРД



ЎТГАН СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Аҳмедов. 4. Автобус. 7. Осмий. 9. Дутор. 11. Селен. 12. Гурзи. 13. Обида. 14. Йилқи. 15. Нуқта. 18. Зобит. 20. Найза. 23. Зангори. 24. “Андижон”. 26. Олмос. 28. Квота. 29. Адрес. 31. Кураш. 33. Ойбек. 35. Ирмоқ. 36. Лампа. 37. Балиқ. 38. Ковул. 39. Қарқара. 40. Антонов.

Бўйига: 1. Андаман. 2. Метро. 3. “Волга”. 4. Айний. 5. Белги. 6. Сунбула. 8. Мураббо. 10. Раиса. 11. Селон. 16. Уззол. 17. Танго. 18. Зирак. 19. Тонна. 21. Абжад. 22. Зинда. 25. Қосимов. 26. Отқулоқ. 27. Сурма. 29. Асбоб. 30. Содиков. 31. Камар. 32. Шипка. 33. Оқила. 34. “Келин”.

«Постда» анкетаси

ГАЗЕТА ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКРДАСИЗ?

6. Газетанинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб борасизми ёки катта қисми ёхуд айрим сонларинигина мутлоа қиласизми?

7. Газета фаолиятининг қайси жиҳатлари сизни кўпроқ қониқтиради

- мавзуси;
- материалларнинг ёзилиш услуби ва баёни;

- безатилиши;
- материалларнинг берилиш тартиби.

8. Сизнингча “Постда” газетаси бошқа нашрлардан қайси томонлари билан фарқланади?

9. Кейинги бир-икки йил ичида газетада муайян ўзгаришлар сезилдими?

10. Газетада ёритиладиган мақола-ларнинг қайси туркумини мунтазам мутлоа қилиб борасиз?

- публицистика;
- ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, хабарлар, янгиликлар, ташаббуслар;

- ички ишлар ходимларининг фаолияти ва ўқуви ҳақидаги мақолалар;

- “Учинчи олам”, “Нихол” саҳифаларида ёритиладиган бадий адабиёт намуналари, кроссвордлар, ўзига хос воқеалар;

- хориж билан боғлиқ мақолалар;
- Ҳамдўстлик давлатлари ва чет эл мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот посбонлари тўғрисидаги материаллар;

- маданий ҳаёт ва ижтимоий муаммолар;

- жисмоний тарбия ва спорт.

11. “Постда” газетаси сиз хизмат қилаётган бўлинмада муҳокама қилинадими? Умуман, газета доирасида қандай ишлар амалга оширилади?

12. Сизнинг назарингизда газета ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишларнинг қай даражада ёритиб бораёпти?

13. Эслаб кўринг-чи, сизга кейинги пайтда газетада ёритилган қайси мақо-



ла кўпроқ маъқул бўлди ва аксинча улардан қайси бири ёқмади?

14. Газетанинг қайси муаллифлари кўпроқ ёдингизда қолади? Улар ҳақидаги қисқа маълумотлар сизни қизиқтирадими?

15. “Постда” газетасига бирор масала юзасидан ёки мақола ёзиб мурожаат қилганмисиз?

Сизнинг мулоҳазаларингиз келгуси режаларни белгилашимизда, албатта инobatга олинади. Ўзига хос, кенг газетхонлар оммаси учун қизиқarli туюлган жавобларни газета саҳифаларида ёритиш ниятидамиз. Марҳамат, хатларингизни кутамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Азиз муштарийлар! Мана янги – 2003 йил кириб келганига ҳам бир ой бўляпти. Келгусида газетамиз янада ўқимишли ва қизиқarli бўлиши, унинг саҳифаларидан ранг-баранг мавзулар ўрин олишини билиш учун сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз билан яқиндан танишишга аҳд қилдик. Шу мақсадда эътиборингизга ҳавола этиладиган қуйидаги саволларимизга жавоб беришингизни илтимос қиламиз.

1. “Постда” газетасини неча йилдан бери мутлоа қиласиз? Ушбу нашр билан илк бор қандай вазиятда танишгансиз?

2. Газетани қандай йўл билан оласиз: обуна бўласизми, сотиб оласизми ёки танишлардан олиб ўқийсизми?

3. Газетага ихлос қўйишингизга нима туртки бўлган?

4. 2003 йилда ҳам газетамизга обуна бўлдингизми? Агар бунга жазм этмаган бўлсангиз, сабаби нимада?

5. Милиция ҳаётига оид мавзулар қайси жиҳати билан эътиборингизни тортди?

**ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Sahifalovchi:
Z. BOLTAYEV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 59-20-96.
muxbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
2021000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan

Buyurtma Γ — 41. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 42036 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.